СССР Давлат ҳимоя комитети
Гос. книжная палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 130 (18.607). • Чоршанба, 1983 йил 8 июнь • Баҳоси 3 тийин.

«ВЕНЕРА-16» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва Қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1983 йил 7 июнь куни Совет Иттифоқида «Венера-16» планеталараро автомат станцияси учирилди.

«Венера-16» станцияси ўз конструкцияси ҳамда бажарадиган ишига кўра, 1983 йил 2 июнда учирилган «Венера-15» станциясига ўхшашдир. Станция ҳаракат траекториясининг параметрлари ҳисоблаб қўйилганига яқин.

«Венера-15» станцияси каби «Венера-16» станцияси ҳам 1983 йил октябрь ойининг бошларида планета чеккаларига бориб етади.

«Венера-15» ва «Венера-16» станцияларининг учиши Венеранинг турли районлари устида мустақил комплекс ўлчашларни амалга оширши имконини беради. Венеранинг сунъий йўлдошлари орбитасидан икки автомат станция айни бир вақтда ўтказадиган илмий тадқиқотлар Қуёш системасида Ерга энг яқин бўлган планетанинг юзаси ва атмосфераси тўғрисидаги маълумотлар ҳажмини анча кенгайтириш имкониятини беради.

РУС ДИЁРИНИНГ ДАҲОСИГА

6 июнь куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали кеча шеърлари барчанинг қалбидан жой олган буюк А. С. Пушкинга бағишланди. Россиянинг ажойиб фарзанди туғилган кунда пойтахтнинг энг яхши залларидан бирида совет ёзувчилари, адабиётшунослари, фан ва санъат арбоблари, чет эллик меҳмонлар йиғилишди.

Кечада кўпгина шаҳарлар ва иттифоқдош республикалардан адабий жамоатчиликнинг намояндалари сўзга чиқдилар. Кеча охирида А. С. Пушкин асарларидан концерт қўйиб берилди.

(ТАСС).

* * *

7 июнь куни Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси анъанавий пушкинхонлик программаси асосида уюштирган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоираси СССР Давлат мукофоти ҳамда «Нилуфар» халқаро мукофотининг лауреати Зулфия А. С. Пушкиннинг ижоди, унинг кўп миллатли адабиётимиз ривожига таъсири ҳақида гапирди.

Кечада республиканинг таниқли ёзувчилари ва шоирлари сўзга чиқишди. Студентлар, техникумларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг ва мактабларнинг ўқувчилари Пушкин шеърларини ва Пушкин ҳақидаги шеърларни ўқиб беришди.

Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида улуғ рус шоири туғилган кунга бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтмоқда.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ МУҲОКАМА ҚИЛАДИ

КПСС Бошқирдистон область комитетининг бу пленуми арафасида катта тайёргарлик олиб борилди. Қишлоқдаги капитал қурилишнинг ҳолати ва истиқболларини атрофлича ўрганиш топширилган комиссияга комитет аъзолари, унинг бўлимлари, совет, касаба союз ва хўжалик органлари вакилларидан ҳаммаси бўлиб 100 га яқин киши киритилган эди. Комиссиянинг мазмундор тавсиялари, сўнгра пленум қатнашчилари айтган салмоқли мулоҳазалар беш йилликнинг охиригача мўлжалланган ҳаракат программасини ишлаб чиқишга, ишни яхшилаш йўллари ва воситаларини аниқ-равшан белгилаб олишга ёрдам берди. Орадан икки йилдан камроқ вақт ўтди, белгиланган ишларнинг кўпи бажарилди. Қурувчиларнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириш, социалистик мусобақани ривожлантириш проблемалари планли равишда ҳал этилмоқда.

Партия комитетларининг практикасидан кўпгина шундай мисолларни келтириш мумкин. Ишнинг бош йўналишларини тўғри танлай билиш, коллектив муҳокамасига қўйиладиган масалаларни асосли равишда ажратиб олиб, олдинда турган вазифаларни назарда тутиб пухта ўрганиш маҳорати шу партия комитетларидан ҳар бири учун муҳим аҳамиятга эгадир. Анализнинг теранлиги, ютуқлар ва камчиликларга талабчанлик билан баҳо берилиши, юксак пировард натижани кўзлаш — партиявий муҳокама таъсирчанлигининг муҳим гаровидир.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаши етилган проблемаларга принципал, чинакам партиявий ёндашиш намунаси бўлди, кенгашда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг актуал масалалари кўриб чиқилди. Коммунистлар мазкур кенгашнинг якунларини партия комитетлари пленумларида, актив йиғилишлари ва кенгашларида муҳокама қилиб, иш услубини такомиллаштиришга, ижрони контрол қилиш ва текширишни кучайтиришга, партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга асосий эътибор бердилар.

Партия комитетлари умумий ишнинг руҳини белгилар экан-лар, партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида бепарволик ва юзакичиликни, фаолиятсизликни ёки ношудликни, турли туман «юмшатувчи вазиятлар»ни рўкач қилиб оқлаш йўлидаги ўринишларни истисно қилувчи вазиятни сабот билан қарор топтиришлари лозим. Сайлаб қўйилган органнинг мажлислари, улар чақирадиган пленумлар ва йиғилишлар қандай муҳитда тайёрланиши ва ўтказилишига кўп нарса боғлиқ эканини тажриба кўрсатиб турибди.

Коллегиал органлар раҳбарлари бўлмиш партия комитетлари составига, одатда, энг обрў-эътиборли коммунистлар сайланади. Улар орасида илғор ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари бор. Республика ёки область, шаҳар ёки район миқёсида қарор қабул қилинишини талаб этадиган масалалар хусусида комитетларнинг позициясини ишлаб чиқиш пайтида партия комитетлари аъзоларининг тажрибасидан, билими ва фикридан тўла-тўкис фойдаланиш муҳимдир. Сайлаб қўйилган активларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибор билан ҳисобга олиш, амалий таклифларини, ишчан таниқ ва ўз-ўзини таниқдири зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлаш коммунистларнинг ташаббусини рағбатлантиради, муҳокаманинг натижадорлигини оширишга кўмаклашади.

Бироқ, «Правда» редакциясига келаётган хатлар иш ҳамма жойда ҳам шундай йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Раҳбар партия органлари коллектив фаолиятининг асосий формаларидан бири бўлмиш пленумларни ҳам пала-партиш, чекланган составдаги кишилар ёрдамида тайёрлаш ҳоллари учраб турибди. Бундай пленумларда одатда сўзга чиқувчилар доираси ҳам тор, нутқлар юзаки бўлади, қабул қилинадиган қарорлар эса кўпинча умумий иборалардан, дудмал даъватлардан иборат бўлади. Натижада партия ташкилоти турмушидаги муҳим воқеа расмият учунгина ўтказилган тадбир бўлиб чиқади.

Айрим ходимларнинг бўлажак муҳокамани бошдан оёқ қатъиқ белгилаб қўйишга, ҳатто минбарга кимлар чиқиб, нималар ҳақида гапириши лозимлигини олдиндан ёзиб қўйишга интилишлари ҳамон тугатилган эмас. Бундай олдиндан ташкил этиб қўйилганлик баъзан чиндан ҳам пухталик, ишчанликдек бўлиб кўриниши мумкин-у, аммо хўжакўрсин учун ўтказилган ҳар қандай тадбир каби, у ҳам аслида ишга зарар етказади, кадрларни тўғри тарбиялашга халақит беради. Мажлисбозлик, қоғозбозлик ҳам ишга ёрдам бермайди, балки уни қийинлаштиради.

Ҳозир бундай ёндашувга тобора тез-тез принципал баҳо берилмоқда. Ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигига, ижобий тенденцияларни ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Чунончи, шу мақсадда КПСС Куйбишев область комитетининг бюроси Отрадний шаҳар партия комитетининг ташкилотчилик иши тўғрисидаги, жумладан одамларни чақириш билан боғлиқ бўлган мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш практикаси ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу ерда айниқса кундалик ишлаб чиқариш масалаларига бағишланган турли-туман йиғинлар сонини қисқартириб, айни вақтда муҳокамаларнинг ишчанлигини оширши тўғрисида, ижрони янада қатъият билан контрол қилиш, аппарат ходимларининг бевосита жойлардаги коммунистлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Бироқ, обком бюроси орттирилган тажрибани анализ қилиш билангина чекланмай, бир қанча нуқсонларни ҳам очиб ташлади. Чунончи, чақирилган кенгашлар баъзан ҳаддан ташқари чўзилиб кетар, уларга раҳбарларнинг ўринбосарларини, бош мутахассисларни чақириш мақбул бўлган ҳолларда ҳам албатта биринчи раҳбарлар таклиф қилинар эди. Баъзи пленумларда таклиф этилган кишилар комитет аъзоларидан кўра кўпайиб кетар эди. Ҳозир бу камчиликлар Отрадний шаҳар комитетида эмас, областнинг бошқа партия комитетларида ҳам тугатилмоқда.

КПСС Томск область комитетининг тажрибасини кенг оммалаштирса арзийди. Бу ерда кенгаш ва мажлислар миқдори қариб икки баравар қисқартирилди, уларнинг давом этиш муддати камайтирилди ва шу билан бирга натижадорлиги оширилди. Бу соҳада Ставрополь ўлка, Ленинград, Ростов, Москва область партия комитетлари аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Мажлислар сонини камайтириш билангина иш битмайди, албатта. Раҳбарликнинг самарадорлигини оширишга, кадрларнинг масъулиятини кучайтиришга, уларнинг мустақиллигини, ташаббускорлигини ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўрилиши лозим.

Замоннинг, ўртада турган вазифаларнинг миқёслари ва мураккаблиги партия комитетларидан ишни янада активлаштириш ва такомиллаштиришни, кўпроқ ишчанлик, омилкорлик, қатъият кўрсатишни талаб қилади. Улар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажариш учун бошланган умумхалқ курашида сиёсий раҳбарлик қилувчи коллектив орган бўлиш ролини бундан буён ҳам шараф билан бажараверсинлар!

(«Правда» газетасининг 7 июндаги бош мақоласи).

Ю. В. Андропов М. Койвисто билан суҳбатлашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси Ю. В. Андропов 7 июнь куни Кремлда Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто билан суҳбатлашди. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

(ТАСС).

Финляндия Республикаси Президентининг расмий визити

СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

6 июнда Кремлда Совет — Финляндия музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССРнинг Финляндия Республикасидаги элчиси В. М. Соболев;

Финляндия томонидан — Финляндия Республикасининг Президенти М Койвисто, Бош министр К. Сорса, ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен, ташқи савдо министри Е. Лайне, Финляндия Ташқи ишлар министрлигининг давлат секретари М. Туовинен, Финляндия Республикасининг СССРдаги элчиси А. Кархило ҳозир бўлдилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида Совет — Финляндия муносабатларини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йил Шартномаси пухта пойдевори асосида муваффақиятли ва узлуксиз ривожланиб бораётганлиги хусусида иккала томон чуқур мамнуният изҳор этди. Шу шартнома туфайли Совет — Финляндия муносабатларида икки томонлама ишонч, дўстлик ва кенг миқёсдаги самарали ҳамкорлик мустаҳкам қарор топди.

СССР билан Финляндия ўртасида 1948 йилги Шартноманинг амал қилиш муддатини яна 20 йиллик даврга муддатидан илгари узайтириш тўғрисида бир битимга келинганини иккала томон мамнуният билан қайд этди.

Шартноманинг қоидалари, деди Ю. В. Андропов, СССР билан Финляндия ўртасида яхши қўшничилик ва ишонч асосида чинакам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни вужудга келтиришда ёрдам берди. Шартнома Финляндиянинг ва СССР шимоли-ғарбий чегаралари хавфсизлигини таъминлашнинг, Европа шимолида ва умуман қитъада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Томонлар шуни таъкидладиларки, Шартноманинг узайтирилиши Совет — Финляндия муносабатларидагина эмас, шу билан бирга халқаро миқёсда, кескинликни юмшатиш Умумевропа жараёнини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда ҳам катта сиёсий воқеадир. Бу нарса СССР билан Финляндиянинг, улар халқларининг дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш муддаосини акс эттиради. У халқаро вазиятдаги ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган Совет — Финляндия муносабатларининг барқарорлиги ва пишиқ-пухталигидан далолат беради.

СССР билан Финляндия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг бундан буёнги йўллари хусусида фикрлашиб олинди. Музокара қатнашчилари СССР билан Финляндия ўртасида кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш камситишдан ва сунъий тўсиқлардан холи бўлган самаралари ҳамкорликнинг яхши намунасидир, деган якдил бир фикрни изҳор этдилар. Савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг 1995 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли программаси бу ишга самарали кўмаклашмоқда. Визит чоғида шу программага қўшимча тарзда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида протокол имзолаш ҳақида бир битимга келинганлиги бу программага янги мазмун бахш этади.

Ҳукуматлар ва парламентлар ўртасида ва жамоат ташкилотлари йўли билан кенг қўламда ривожлантирилган алоқалар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни чуқурлаштиришга имкон бериши ҳам уқтириб ўтилди.

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилиш пайтида музокара қатнашчилари дунёдаги вазиятнинг кескинлашиб бораётганлигидан жуда ташвишланаётганликларини изҳор этдилар, ядро урушининг олдини олиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида барча давлатларнинг кучғайратларини активлаштириш ва бирлаштириш заруриятини таъкидладилар.

Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарини Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида жойлаштиришга тайёргарлик кўрила бошлаганлиги алоҳида хавф-хатар туғдираётганлигини Совет томони таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан Ю. В. Андропов башарти АҚШ ва унинг НАТОдаги шериклари аввалгидек ишни «Першинг-2»ва қанотли ракеталарни Европа зонасида жойлаштириш сари олиб боравердиган бўлсалар, Совет Иттифоқи СҚСР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига туғиладиган таҳликани даф қила оладиган мудофаа характеридаги жавоб тадбирларини амалга оширишга мажбур бўлади, деб уқтириб ўтди.

Совет Иттифоқи билан Финляндия халқаро муносабатларни яна кескинликни юмшатиш йўлига буриб юборишни энг муҳим вазифа деб биладилар. Томонлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг Хельсинкида бошланган жараёнини давом эттиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Томонлар Мадрид учрашувини ижобий натижалар билан ҳамда Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш чораларига ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш билан тезроқ тугаллаш лозимлигини айтдилар.

Музокара қатнашчилари Европанинг шимолидаги аҳвол тўғрисида ўз фикрларини айтдилар. Бу районда барқарорликни сақлаб қолиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш зарурлигини айтдилар. Совет томони Финляндиянинг Шимолий Европани ядросиз зонага айлантириш тўғрисидаги таклифи актуаллиги ҳозирги шароитда янада кўпроқ ўсганлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида дунёнинг бир қанча районларидаги вазият жиддий ташвиш туғдираётган аҳвол кўриб чиқилди. Иккала томон давлатларнинг ички ишларига ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувисиз музокаралар йўли билан бартараф этилишига эришиш лозимлигига ишонч изҳор қилди.

Ю. В. Андропов Финляндия Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзловчи изчил йўли СССРда юксак қадрланаётганини уқтириб ўтди.

Президент Койвисто Совет Иттифоқининг изчил ва олисни кўзловчи ташқи сиёсатига Финляндия зўр ишонч билан қараётганлигини айтди.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан маслаҳатлашувларни давом эттириш лозим деб фикр билдирдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

6 июнь куни Катта Кремль саройида Совет — Финляндия ҳужжатлари имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида:

Совет томонидан — Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар;

Финляндия томонидан — Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто, унга ҳамроҳлик қилаётган давлат ва сиёсат арбоблари, савдо-саноат доираларининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан Финляндия Республикаси ўртасида 1948 йилги Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги протоколни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Финляндия ташқи ишлар министри П. Вяюрюнен имзоладилар.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида Совет Иттифоқи билан Финляндия ҳамкорлиги тўғрисидаги протоколни СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва Финляндия ташқи савдо министри Е. Лайне имзоладилар.

(ТАСС).

ЁЗУВЧИЛАР ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШДА

ОЛМАОТА, 6 июнь. (ТАСС мухбири). Бугун Олмаотада Осиё ва Африка ёзувчилари халқаро уюшмаси секретариатининг тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гума, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси С. Азимов, Вьетнам ёзувчилар союзи бош секретарининг ўринбосари То Хоай, «Нилуфар» журнали бош редакторининг биринчи ўринбосари Муин Бсису (Фаластин) ва бошқа нотиқлар ўтган ўн йиллик демократия ва тараққиёт йўлидаги актив ҳаракат билан нишонланганини уқтириб ўтдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев ҳозир бўлди.

ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК— БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида 6 июнь куни Тошкентда аҳолининг турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республикада халқ фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ бўлган биринчи галдаги бир қанча вазифалар кўриб чиқилди. Мажлисда область партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг маданият ва турмуш масалалари учун масъул бўлган ўринбосарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий-тадқиқот муассасаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлис иштирокчилари республикада болаларга медицина ёрдами кўрсатишни ва юқумли касалликларнинг олдини олишни такомиллаштириш чораларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойбергенов ахборот берди.

Партия ўртага қўйган социал масалалар орасида совет кишиларининг ва аввало ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ эканлиги муҳокама чоғида уқтириб ўтилди.

Ҳозир республикада икки мингга яқин даволаш муассасаси, кўп минглаб педиатр врачлар, акушер-гинекологлар, бошқа профилдаги медик мутахассислар она ва болаларнинг сиҳат-саломатлигига посбонлик қилмоқдалар. Ўтказилган тадбирлар комплекси туфайли аввалги ва ҳозирги беш йилликлар мобайнида оналар ва чақалоқлар ўртасидаги касалликка чалиниш, болаларнинг нобуд бўлиши анча камайди.

Бу ижобий тенденцияга барқарорлик тусини бериш — эндиги бош вазифадир, деб таъкидланди мажлисда. Эришилган муваффақиятлар хотиржамликка ҳеч бир асос бермайди, чунки она ва бола сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларида ҳали бир талай камчиликлар бор. Айрим раҳбарларнинг айби билан баъзи жойларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган тавсиялар ва тадбирларнинг бажарилиши жуда чўзилиб кетди. Баъзи бир юқумли касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш масалалари ҳамон ҳал этилгани йўқ.

Соғлиқни сақлашнинг мана шу ўткир масалалари билан кун сайин, пишиқ-пухта ва амалий равишда шуғулланиш керак, дейилди кенгашнинг мажлисида. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш проблемалари медицина ходимлари билан соғлиқни сақлаш муассасаларигагина тааллуқли бўлиб қолмай, партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим участкасидир.

Кенгаш Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатовнинг, республика савдо министри М. Ҳ. Ҳасановнинг, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри В. П. Куксенконинг, Ўзбекбирлашув ранси З. Ш. Сирожевнинг, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмовнинг студент-ёшлар турмуш маданиятини янада ошириш масалаларига оид ахборотларини тинглаб, муҳокама қилди.

Мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш дарсхоналарда ва ўқув кабинетларидагина содир бўлмайди, деб таъкидлашди нотиқлар, бу жараённинг самарадорлиги студентлар турмушининг бутун уклади билан белгиланади.

Шу боисдан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига олий ўқув юртлари студентлари ва техникумлар ўқувчиларининг юксак турмуш маданияти учун бошланган социалистик мусобақасини авж олдириб юборган республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг, бошқа баъзи министрликлар ва идоралар-нинг, комсомол ва касаба союзларининг ташаббусини ҳар томонлама маъқулласа ва қўллаб-қувватласа арзийди. Бу ҳаракат ёшларга ғоявий-сиёсий ва аҳлоқий тарбия беришни яхшилашга, уларнинг маданий савиясини оширишга, тўлақонли студентлик турмуши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга кўмаклашмоғи лозим.

Партия билан ҳукумат ётоқхоналар қурилишига тобора кўпроқ маблағ ажратмоқда. Шу маблағларнинг ўзлаштирилиши, студентлар учун уй-жой қуриш муддатларига риоя этилиши ва унинг сифати қаттиқ контрол қилиниши зарур, деб таъкидланди мажлисда. Олий ўқув юртлари учун қурилган ва уларга топширилган уй-жойлар эҳтиёт қилиб, омилкорлик билан фойдаланилиши зарур. Бинобарин, ёшларга студентларнинг уй-жой фонди учун юксак масъулият туйғусини сингдириш, студентлар билан ўқувчиларни ўз умумий ишининг ҳақиқий, тежамли хўжайинлари бўлиш руҳида тарбиялаш керак. Студентларнинг жамоат ташкилотларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш, бу масалада ўқув юртлари комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ролини ошириш, ётоқхоналардаги оммавий-сиёсий иш форма ва методларини хилма-хил қилиш, бу ишнинг самарадорлигини ошириш лозим.

Кенгаш қабул этган тавсияларда умумий овқатланишни яхшилаш, студентларнинг ҳамма ётоқхоналари ҳузурида яхши жиҳозланган ошхона ва буфетлар ташкил этиш, бу ерда яшовчи ёшларга маиший хизматни яхшилаш, студентлар яшайдиган жойларда медицина ва санитария контролини, спорт-соғломлаштириш ишини кучайтириш тадбирлари кўзда тутилди. Ёшларнинг намунали турмушини йўлга қўйишда, ётоқхоналардаги оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишни кучайтиришда ўқув юртлари ректоратлари ва дирекцияларининг, олий ўқув юртлари ва техникумлардаги партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг ролини кескин ошириш зарур.

Мажлисда Сирдарё область аҳолининг турмуш маданиятини ошириш кенгашининг область меҳнаткашларига маданий ва маиший хизматни кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш соҳасида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тинглади. Область кенгашининг раиси В. А. Ҳайдуров ахборот берди.

65 йил муқаддам Ленининг Туркистонда ирригацияни ривожлантириш тўғрисида имзолаган декрети изчиллик билан амалга оширилишининг яққол натижаси бўлиб қолган шу қўриқ область яшнаб келаётган йигирма йил мобайнида собиқ Мирзачўлда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Мирзачўл меҳнатчилари партия билан ҳукуматнинг тинимсиз ғамхўрлиги туфайли эндиликда республиканинг азалдан обод бўлган районлари аҳолиси каби маданий-маиший қулайликлар ва неъматлардан бемалол баҳраманд бўлмоқдалар.

Областда турмуш маданиятининг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда бу ерда қад кўтарган шаҳарлар ва қўриқ посёлкалари аҳолисига хизмат қилиш форма ва методларини такомиллаштириш соҳасидаги ижобий иш тажрибасини уқтириш билан айни бир вақтда мажлис иштирокчилари бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга, турмуш даражасини тез ўстириш, мирзачўлликларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш йўлларига қаратдилар. Жумладан, қишлоқда коммунал хизматини янада тез суръатлар билан ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат қилувчи корхоналар тармоғини кенгайтириш, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналари ишини, область меҳнатчиларига транспорт хизматини тубдан яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Ҳозиргача республиканинг кўпгина область ва районларида барпо этилган маданий-маиший комплексларнинг қаётий қобилияти ва самарадорлигини тажриба исботлади. Кенгаш шу тажрибадан Сирдарё областида ҳам кенг фойдаланишни, аҳоли учун шаҳардаги каби қулайликлар билан айни бир вақтда қишлоқ турмуш тарзининг афзалликлари тўла-тўкис бирга қўшиладиган замонавий обод посёлкалар барпо этиш йўлини изчиллик билан ўтказишни тавсия қилди. Шу билан бирга шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал тафовутларнинг тугатилиши — зўр сиёсий аҳамиятга молик ишдир, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларида яна бир карра тасдиқланган муҳим йўлдир.

Кенгаш мажлисида Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ходимларнинг, бутун аҳолининг эҳтиёжлари ҳақида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, айниқса, муҳимлигини таъкидлади, деди у. Юрий Владимирович Андроповнинг Москвадаги станоксозлар билан қилган суҳбатида, «СССРнинг олтмиш йиллиги тўғрисида»ги докладида ҳам бошдан-оёқ шу фикр уқтириб ўтилди.

Ш. Р. Рашидов муҳокама этилган масалаларни ҳал қилиш, республика аҳолисининг турмуш маданиятини янада ошириш соҳасидаги вазифаларга батафсил тўхталди. Биз шу вазифаларни амалга оширш орқали хўжалик турмушидаги энг зарур масалаларни ҳам ҳал этамиз, деб таъкидлади у. Ҳамма халқ хўжалик планларимизнинг муваффақиятли бажарилиши меҳнатчиларнинг турмуш шароитларига, улар қандай ишлаб, қандай дам олаётганликларига боғлиқ бўлади. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида ҳар бир киши ўзи хизмат қилаётган ишни яхшироқ бажариши нақадар муҳимлиги таъкидланди. Бу ғап аҳолининг турмуш маданиятини ошириш учун курашга тўла-тўкис тааллуқлидир. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашдек муҳим умумпартия, умумдавлат ишида бефарқ кузатувчилар бўлиши мумкин эмас, бу иш ҳамманинг жуда кенг миқёсда актив қатнашувини талаб қилади.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

КОММУНИСТНИНГ СЎЗИ ВА ИШИ

«Совет Ўзбекистони» ғазетаси редакцияси газетхонлар — партия ва хўжалик ходимлари, партия ташкилотларининг секретарлари, сайлаб қўйилган актив ва коммунистлардан кўпгина хатлар олмоқда. Уларда газетамизда эълон қилинган «Қаловини топсанг...» (6 январь) мақоласида кўтарилган фикр-мулоҳазалар қувватланмоқда, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари муваффақиятли бажариш учун курашда коммунистлар намуна кўрсатишлари, ўз ташкилотларидаги, ўзлари меҳнат қилаётган коллективдаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарликни чуқур ҳис қилишлари лозимлиги алоҳида таъкидланмоқда. Қуйида ана шу материаллардан айримларини ўқийсиз.

ШАХСИЙ НАМУНА

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ВА МЕҲНАТДАГИ АКТИВЛИК КОММУНИСТГА МАФТУНКОР КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Таниқли пахтакор Салой Худойқулиевни Хазорасп районидан анча олисларда ҳам кўпчилик яхши танийди. Узоқ-узоқ районлардан унинг бригадасига тажриба ўргангани тез-тез келиб туришади. Зеро, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бошчилик қилаётган коллектив кўп йиллардан буён муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Чунончи, ўтган йили бригада 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 67,5 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олди.

Мен Салой ака билан кўп учрашганман. Иш хусусида, турмуш масалалари хусусида суҳбатлашганман. Салой акага муваффақият келтираётган, унинг номини эл-юртга танитаётган фазилатлар ҳақида бот-бот ўйлаб тураман. Бурчни чуқур англаш ,виждонан, фидокорона меҳнат қилиш, мақсад йўлида қунт ва қатъият билан курашиш, принципиалликни юксак инсонийлик билан уйғунлаштириш коммунист Салой Худойқулиевга хос фазилатлардир. У одамларни қовуштира олади, уларни руҳлантириб, коллективда чинакам жанговар, ишчанлик кайфиятини вужудга келтира олади. Эришилаётган муваффақиятларнинг манбаи ҳам мана шунда.

Коммунист С. Худойқулиев ижтимоий ҳаётда ҳам юксак активлик кўрсатмоқда. СССР Олий Советининг депутати, район партия комитетининг бюро аъзоси сингари вазифаларни, кўпдан кўп бошқа жамоат топшириқларини бажариш унга Фрунзе номли колхозда ўзи бошчилик қилаётган бригада пахтазорларида кун сайин тадбиркорлик билан, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга асло халал бермаётир. У ўзининг бутун фаолияти, ишга муносабати билан сўз ва иш бирлигини, партия, хизмат ва давлат бурчини чуқур англашни ва унга садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқда.

Областимиз партия ташкилотларида ана шундай фидокор, тадбиркор, ташаббускор ,қатъиятли коммунистларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улар ўзларига юклатилган муҳим партия топшириқларини шараф билан бажармоқдалар. Боғот районидаги Нариманов номли колхоздан Р. Матёқубова, Хазорасп районидаги К. Маркс номли колхоздан М. Матназаров, Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан В. Маҳмудов сингари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уларга эргашаётган, меҳнатда улар билан беллашаётган юзлаб бошқа жасоратли коммунистлар шулар жумласидандир. Партия ташкилотлари коммунистларда мана шу фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки, авангардлик кўрсатиш ҳар бир коммунистнинг КПСС Уставидан келиб чиқадиган вазифасидир. Партия аъзоси, дейилади КПСС Уставида, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш олиб бориши, меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатиши, меҳнат унумдорлигини ошириши, ҳамма янги прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиши, илғор тажрибани қувватлаши ва ёйиши, техникани эгаллаши, ўз малакасини такомиллаштириши, Совет Ватани қудрати ва равнақининг негизи бўлган ижтимоий, социалистик мулкни сақлаши ва кўпайтириши лозим.

Область партия комитети, район, шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, уларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳамиша диққат марказида тутмоқдалар.

Боғот районидаги Нариманов номли, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг партия ташкилотлари активнинг кенг қатламига, цех партия ташкилотларига таяниб, ташкилотчилик ва сиёсий ишларни моҳирона олиб бормоқдалар. Бу ишларнинг самараси ҳам кўринибдир. Ҳар иккала хўжалик коммунистлари деҳқончилик маданиятини ошириш учун изчил изланиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини муттасил оширмоқдалар, чорвачиликни ривож топтирмоқдалар.

Шу билан бирга, тошкентлик бинокор Раҳим Зияев ўз мақоласида ўринли равишда ёзганидек, ҳали ҳам орамизда сўзи билан иши бир-бирига қовушмайдиган, муҳим қарор қабул қилиб, унинг бажарилишини унутиб қўядиган кишилар ҳам учрайди. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, бир қатор партия ташкилотларида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш борасидаги ишлар савияси бугунги кун талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Худди шу нарса бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини сусайтирмоқда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни жадаллаштириш, иш сифатини яхшилаш йўлида белгиланган бир қатор тадбирлар ўлда-жўлда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Баъзи хўжаликларда планлар барча кўрсаткичлар бўйича бажарилмаётганлиги, резерв ва имкониятлардан ҳануз оқилона фойдаланилмаётганлиги фикримизнинг далилидир. Яна ўша Хонқадаги Охунбобоев номли колхозни олиб кўрайлик. Хўжалик пахтакорлари ўтган йили 49,3 центнердан ҳосил етиштиришди. Лекин суви-сувига, ери-ерига туташ қўшни Навоий номли колхозда ҳосилдорлик деярли 10 центнер кам бўлди. Чорвачиликда ҳам ана шундай каттагина фарқ мавжуд.

Мана шундай таҳлиллар кишини мулоҳаза юритишга, Навоий номли колхоздаги қолоқликнинг сабабларини излашга даъват этади. Энг аввало бу партия ташкилотида коммунистлар ўз бурчларини бажаришга юксак масъулият билан қарамаётганликларини, авангардлик кўрсатмаётганликларини, ижрочилик интизомини бузиш фактлари билан муросасозлик қилишаётганини, ишни оқилона ташкил этишга бош-қош бўлмаётганликларини таъкидламоқчиман. Шуни айтиш лозимки, коммунистларнинг авангардлиги кўп жиҳатдан партия ташкилотининг ўзида ички уюшқоқликка боғлиқдир. Бу уюшқоқлик, бу жипслик ҳар бир партия аъзоси ишчанлиги ва активлигининг асосий омилидир.

Коммунистларнинг активлигини ривожлантиришда партия йиғилишлари қандай роль ўйнаши яхши маълум. Шу нарса қувончлики, кейинги йилларда кўпчилик ташкилотларда партия йиғилишлари мунтазам, пухта тайёргарлик билан, барча коммунистларнинг актив иштирокида ўтмоқда.

Шу билан бирга ҳали бу муҳим ишда муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи партия ташкилотларида йиғилишларни тайёрлашга активнинг кенг қатлами тўла жалб этилмайди. Гоҳи шошма-шошарлик билан чақирилган йиғилишларда коллектив ҳаёти учун ниҳоятда аҳамияти бўлмаган масалалар муҳокама қилинади. Ҳазорасп районидаги «Октябрь» колхозида партия йиғилишлари мана шу таҳлитда ўтиб келган. Колхоз пахта тайёрлаш планини бажармагани ҳолда йиғилишларда танқид ва ўз-ўзини танқид деярли сезилмайди. Партия йиғилиши кун тартибига қўйилган масалаларни тайёрлашда кўпчилик қатнашмайди. Натижада йиғилиш иккиучи кишининг ҳисобот характеридаги нутқи билан якунланади.

Табийки, бундай йиғилишлардан партия ташкилотига, на коллективга, на коммунистларнинг ўзига бирор наф бўлади. Ўтган йили Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхоз партия ташкилотида 8 марта умумий партия йиғилиши ўтказилди. Муҳокама қилинган 12 масаланинг фақат 4 тасига докладлар тайёрланди. Бу докладларнинг ҳам, сўзланган нутқларнинг ҳам сифати талабга жавоб бермайди. Уларда коллектив ҳаётининг бирор соҳаси таҳлил қилинмади. Қабул қилинган қарорларда коммунистлар олдига бирон амалий вазифа қўйилмади. Белгиланган барча тадбирларнинг бажарилишини партком секретарига топшириш билан чекланилди.

Албатта, ҳозиргина айтганимиздек, бундай йиғилишларни ўтказишдан бирор бир наф кутиш қийин. Область, шаҳар, район партия комитетлари коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини ошириш соҳасидаги шу сингари нуқсонларни бартараф эта бориб, бир қатор ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқдалар. Асосий эътибор коммунистларда топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳини, ўзи меҳнат қилаётган участкадаги ишнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлик туйғусини тарбиялашга қаратилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда уларнинг шахсий ибратини кучайтириш йўлидан бормоқдамиз. Партия комитетлари қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилишни тобора такомиллаштирмоқдалар. Партия топшириқларининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлар ёки ҳисоботларни тез-тез эшитиб туриш анъана бўлиб қолмоқда. Коммунистлар билан якка тартибдаги суҳбатлашувлар орқали улар ўзларига юклатилган вазифаларни, ўз хизмат бурчларини, партия топшириқларини қандай бажараётганликларини назорат қилиш ҳам яхши самара бермоқда.

Коммунистларнинг ижтимоий активлиги ва ишлаб чиқаришдаги авангардлигини кучайтириш — ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили топшириқларини, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришнинг зарур шартидир. Биз партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини мана шу масалага қаратмоқдамиз, бутун сиёсий-ташкилотчилик ишининг усул ва услубларини такомиллаштира бориб, ҳар бир коммунист ўз бурчини, ўзига юклатилган ишни муваффақиятли бажаришига, бошқаларга манфтункор ибрат кўрсатишига эришмоқдамиз.

И. СОРОКИН,
Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари.

АКТИВЛИК ФАЗИЛАТИ

«Актив бўлиши керак...» Шонли Ленин партияси сафига кирганимга роппа-роса ўттиз йил бўляпти. Шу давр мобайнида жуда кўп кишиларнинг сафимизга киришаётганида коммунист қандай бўлиши керак, деб берилган саволга юқоридаги мазмунда жавоб қайтаришганининг гувоҳи бўлганман. Уларнинг кўпчилиги саволга онгли равишда, коммунист бурчини чуқур англаб туриб жавоб беришгани учун ҳам КПСС Устави талабларини садоқат билан адо этиб келишмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир коммунистда ана шундай юксак фазилатларни қарор топтириб боришнинг аҳамияти катта. Бироқ баъзилар партия аъзоси ҳаётининг ана шу бош талабларига жиддий ёндаша билмайдилар. Янгиликка интилмаслик, бурчни кўр-кўрона, юзаки адо этиш, принципиал танқиддан тўғри хулоса чиқариб олмаслик оқибатида улар актив ҳаётий позицияни йўқотиб қўйишади, бора-бора пассивлашиб қоладилар. Коммунист Қодирали Мамажонов фаолияти бунга айнан тўғри келади. Колхоз комсомол комитети секретари, кейин эса халқ контроли группаси раиси лавозимларида ишлаб юрган кезларида у кўпчиликнинг кўз олдида ўзини актив ва ташкилотчи қилиб кўрсатишга уринган экан. 13-бригадага бошлиқ этиб юборилгач, ундаги ана шу жиддий нуқсонлар сезилиб қолди. Унда коммунистга хос бўлган чинакам активлик ва одамлар билан ишлаш қобилияти камол топмагани сабабли коллективни илғорлик сари бошлаб боролмади. Аксинча, аввалги шуҳрат ҳам бой бериб қўйилди.

Мен ўртоқ Р. Зияевнинг ҳар бир коммунист ўзида авангардлик ва ташаббускорлик фазилатларини қарор топтириб бормоғи лозимлиги тўғрисидаги мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайман. Партия ташкилотлари, партия группалари бу соҳада талабчан бўлишлари, коммунистлар фаолиятини КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари талабларига мувофиқ йўналтириб боришлари, бурчини унутиб қўйётган, активлик кўрсатмаётган айрим коммунистларни ўз вақтида тўғри йўлга солиб қўйишлари зарур.

Ғ. ЭРГАШЕВ,
Фарғона область Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

РОСТГЎЙЛИК

Сўз бердингми — бажариш керак!

Катта-кичик кўламдаги ҳар бир ходим фаолияти учун бир мезон бор. Бу — ростгўйлик. Кўл остида меҳнат қилаётган одамларни алдамаслик, бўлмаган нарсаларга ишонтириб, чалғитмаслик раҳбар учун катта гап. У ваъда бердими, албатта уддаламоғи, сўзининг устидан чиқмоғи керак. Шундагина одамлар сенга эргашишади, коллективда иш бир маромда бораверади.

Бир хил раҳбарлар бўладики, ўзлари жуда кам гапиришади. Лекин ишлари ҳамиша баракали, бўлимли. Кўпинча яхши-яхши фикрларини очиқ айтишни, ишларини кўз-кўз қилишни ёқтиришмайди. Аммо ўзлари қизиган тошни қучоқлагандек меҳнат қилишади. Коммунист Нормурод Қулмирзаев ана шундай кишиларнинг бири. У бирон одамга эплай олмайдиган ваъдани берганини, ваъда бергач эса сўзининг устидан чиқмаганини эслай олмайман. Унинг бир фазилати бор. Фақат саволингизга жавоб беради. Ўзи гап очмайди. Мулоҳазаларини ўзича пишитиб, ишларини ўзича режалаштириб юради. Ўта сертараддуд. Қачон бригадасига борсангиз, пахтазордан топасиз. Кейинги уч йилда унинг бригадасида ҳосилдорлик 10 центнер кўпайиб, 55 центнерга етди.

Партком мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида 5-алмашлаб экиш участкаси агрономи Тожибой Мамараимовнинг сўзларини кўп эшитишга тўғри келади. Олий маълумотли бу мутахассис кейинги йилларда принципиал, ташаббускор, ташкилотчи, ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан кадр сифатида танилмоқда. Унинг бир хусусияти шундаки, эрта-ю-кеч ишининг изини қувади. Бўлимнинг ҳамма ишларига бошқош. Бирор топшириқ олса, унинг ижросини бажармасдан қўймайди. Бўлимда алмашлаб экиш тўла йўлга қўйилди.

Яқинда, қишлоқ Советининг сессияси бораётганида, халқ депутати Тожибой Мамараимов ҳам сўзга чиқди. У совхоз посёлкаси қурилганига кўп бўлганини айтди, бироқ уни ободонлаштиришга эътибор берилмаётганлигини таҳқид қилди.

— Каттагина совхозимизнинг марказий посёлкасида ёзги клуб ҳалигача қурилгани йўқ, — деди сўзини давом эттириб Мамараимов. — Ичимлик сув хонадонларга етказиб борилмаган. Водопровод тармоғи қурилганига кўп бўлди. Лекин у ишламайди.

Шундай. Ишда актив, ўзига ва бошқаларга талабчан коммунист ҳеч қачон нуқсонлардан юз ўгириб, камчиликларга тескари қараб ўтолмайди. У ишни яхшилашга, хўжаликни янада равнақ топтиришга, чўлқуварлар ҳаётини мазмунли қилишга жон куйдиради. Керак бўлганида амалий таклифлар киритади. Ўзи бош-қош бўлиб мана шу таклифларни рўёбга чиқариш учун курашади. Энг мураккаб вазиятда ҳам тўғри сўзлаш, аҳволни холис баҳолаш бундай кишиларнинг фазилатидир.

Совхозимизга ишга келмасидан олдин Хуррам Олламуродов ўқитувчилик қиларди. Қизириқ даштига ҳужум бошланганида у мана шу катта ишдан четда туролмади. Чўлга отланди. Шундан буён бригадир бўлиб ишлайди. У ҳамиша қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтаришда ташаббус кўрсатиб келмоқда. Унга хос фазилат шундаки, одамларга сўз билан эмас, иш билан, меҳнат билан ибрат кўрсатади. Ўзи ҳам бир пахтакордек енг шимариб ишлайди. Бригадирман деб топшириқ бериб, буйруқвозлик қилиб ўтирмайди. Ишчиларга ғамхўр. Қайси қолоқ бригадага ўтмасин, энг аввало боғча ташкил этиш, шийпон қуриш, ҳар куни иссиқ овқат тайёрланишига эришиш йўлида куйиб пишади. Ўтган йили ҳам унинг бригадасида ипак пахтанинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил етиштирилди. Бир-икки йил олдин мана шу ерларда 15—18 центнерлик марра билан чекланиб келинганлиги ҳисобга олинса, Олламуродов бошлиқ коллектив қанчалик ўсишга эришгани яққол кўринади кўяди.

Совхозимизда 43 та бригада бор. Ўтган йили фақат бир бригада — Хуррам Жўраев бошлиқ коллектив планни уддалай олмади. Жўраев Деновдан чўлга келиб иш бошлаши арафасида катта-катта ваъдалар берди. Қачон қараманг, йиғилишларда сўзга чиқиб, у қиламиз, бу қиламиз деб оғиз кўпиртириб юрди. Дастлабки пайтда унга ишондик ҳам, чунки айтган гапларнинг ярим-ёртисини бажарганида ҳам бригадада аҳвол ёмон бўлмайдигандек туюлган эди.

Лекин гап бошқаю, иш бошқа жойда ҳеч ким муваффақият қозона олмаслигини ўтган йилги «тажриба» яна бир маротаба очиқ-ойдин кўрсатди. Жўраев йиғилишлардагина эмас, одамлар орасида, бригадасида ҳам кўп гапирар, бўлар-бўлмасга ваъда бериб, кишиларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб кетаверар экан. Табийки, одамлар тез кунда унинг кимлигини, қандай раҳбарлигини пайқашган. Бригадада аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ишда қўним сусайган. Ғўза парвариши ўлда-жўлда қолиб кетган. Охири ношуд бригадир, ваъдабоз раҳбар юзи шувит бўлиб, одамлар орасида бош кўтариб юра олмай қолди.

Чўлга келиб меҳнат қилаётганлар, ер очиб «оқ олтин» ундираётганларнинг аксарияти эл иши учун бел боғлаган меҳнаткаш, тўғри сўз, имонли кишилардир. Уларнинг зарбдор ишлари туфайли чўл яшнамоқда, қишлоқларимиз обод бўлмоқда, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Район партия комитетининг аъзоси механизатор Худойназар Қобилов, Ортиқ Тошболтаев, Холлиёр Абдураззоқов сингари ўнлаб иқтидорли, ташаббускор чўлқуварлар меҳнати туфайли совхозимизда 60 гектар токзор, анорзор, нокзор, беҳизор, шафтолизор боғлар барпо этилди. Қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, чўчқачилик ривож топмоқда. Бу йил она-Ватанга 7 минг тонна пахта етказиб бериш, ҳосилдорликни 38 центнерга кўтариш мажбуриятини қабул қилганмиз. Чўлқуварларимиз мана шу юксак марраларни кўзлаб фидокорона меҳнат қилишмоқда. Ваъдага вафо қилиш, сўзнинг устидан чиқиш ленинча фазилат бўлиб, у ҳар бир кишининг хатти-ҳаракати, идрокига сингиб кетганки, бу амалда исботланмоқда.

Н. ЭШМАМАТОВ,
Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозининг директори, партия комитетининг аъзоси.

— Планни бажариш — қонун, мажбуриятни бажариш эса — виждон бурчимиздир, — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари мана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда ҳар бир соғин сигирдан 4200—4500 килограммдан сут соғиб олиш учун мусобақа қизитилмоқда. Суратда: мусобақа байроқдорлари (чапдан) Бунисса Эргашева, Булдон Мирзақулова, Карима Сафарова ва Анор Хатамовалар ўз меҳнатлари натижасидан хурсанд.

В. Молгачёв фотоси.

МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Ҳозирги кунда ҳар бир партия аъзоси ўз фаолиятига ниҳоятда талабчанлик билан муносабатда бўлмоғи керак. Коммунист Раҳим Зияевнинг «Қаловини топсанг»... сарлавҳали мақоласида коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш, ишимизни жонлантиришга оид қимматли мулоҳазалар билдирилди. Партия аъзоси қаерда бўлмасин лоқайдлик кўрсатишга ҳаққи йўқ. У ҳамиша истиқбол учун курашнинг энг муҳим участкаларида, қийин жойларда матонат кўрсатиши лозим.

Бўлимимизда Кубай Қушаметов, Анорбой Тиловбоевнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Улар бунга ҳалол меҳнат, онгли интизом, ишга садоқат кўрсатиш туфайли эришганлар. Бу сергайрат пахтакорлар бошлиқ бригадалар совхозимиз ютуқларига муносиб улуш қўшиб келмоқда, ҳосилдорликда 35 — 37 центнер натижа кўрсатмоқдалар. Бойқора Шодиев, Шакарбой Исматов сингари пахтачиликни механизациялашда ўрнак кўрсатаётган механизаторларимиз ҳам кўп. Шуниси характерлики, бу жонкуяр деҳқонларимизнинг аксарияти коммунистлардир.

Самарали, сифатли, тежамли меҳнат қилиш ҳамиша асосий мақсадимиз — турмуш тарзимиз, орзу ва интилишларимизнинг муҳим қирраси бўлиб қолмоқда. Ҳар бир партия аъзоси бу фазилатларни ўзида камол топтириш учун тинмай ўқиб-ўрганмоғи, малакасини оширмоғи лозим. Ҳар бир ишда қатъият ва билимдонлик кўрсатиш талаб этилади. Партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида худди шу масалаларга катта эътибор берилди. Шу нуқтаи назардан қараганда ишимизда баъзан нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётганлиги маълум бўлади.

Ўтган йили кадрлар камлигидан ишда бир оз қийинчилик юз берди. Пахта теримини икки сменада ташкил этиш учун механизаторлар етишмади. Бу бўлимимиз маъмурияти, шунингдек, партия ташкилотининг ҳам диққат-эътиборида туриши лозим эди. Ҳолбуки, бу йил ҳам совхозда очилган механизаторлар курсида бўлимимиздан белгиланганидан уч киши кам ўқитилди. Ёки бошқа бир мисол. Ўтган йиғиммтерим мавсумида хўжалигимизнинг ўнлаб механизаторлари ишда етарли даражада масъулият кўрсатишмади. Уларнинг айримлари 50—60, жуда борса 70 тоннадан пахта терди. Назаримда, бир қарашда оддий ҳол бўлиб кўринган бу масалаларга ҳар бир коммунист ўзининг муносабатини билдириши керак.

Совхозимиз коллективи олдида катта вазифа турибди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида бўлимимиз пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказиши, совхозимиз бўйича эса 9 минг тонна пахта, 2286 тонна дон, 750 тонна сут тайёрланиши керак. Бу хўжалигимиз коммунистлари, қолаверса бутун коллективнинг ўз вазифасига ижодий муносабатда бўлишини, иш жойида яхши шароит, соғлом муҳит қарор топишини тақозо этади.

О. ҚОРАБОЕВ,
Ворошилов районидаги «Гулистон» совхози 6-бўлими механиги.

ЧЎЛДА БЎСТОН ЯРАТГАНЛАР

Топшириқни бажаришда ленинча изчиллик—муваффақият гарови

«Дада, дадажон, сизни жудаям соғиндик». «Чўлда иш кўп қизим, энди шу ерда яшаймиз». «Ҳаммаёқ бийдай дашт-ку! Қачон бу ерлар обод бўлади!» «Яқин қолди, жуда яқин қолди».

Саъдулла Раҳмонов ўшанда икки ой уйига бора олмаган, даштда қолиб кетганди. Ўғил-қизлари уни кўргани чўлга келишди. Ўша суҳбатни эсласа, мана шу чўлга қадам қўйилган дастлабки пайтлар Раҳмоновнинг кўз ўнгида гавдаланади. Ўша қизғин кезларга ҳам олти йил бўлиб қолди. Мана энди чўл қаъридаги тўнғич хўжалик кучга тўлиб, қишлоқлар обод бўлиб кетди.

— Дастлабки ярим йилда анча-мунча ерни ўзлаштириб, экин экишга тайёрладик, — эслайди коммунист Саъдулла Раҳмонов. — Совхознинг дастлабки гектар экин майдонларига чигит тушган пайтлар байрам бўлиб кетганди. Коммунистлар бош-қош бўлиб, бу ерда Эллиққалъа массивининг қалдирғоч хўжалигини ташкил этишди. Айтиш мумкинки, совхозимиз бу массивни комплекс ўзлаштиришнинг ўзига хос тажриба мактабига айланди.

Олти йил. Бундай қараганда бу жуда қисқа муддат. Лекин коммунистларнинг қизғин меҳнати, шижоаткорона ишлари билан тўлиқ бу йилларнинг ҳар бир куни бутун бир достон. Партия даъвати билан оёққа турган Тўрткўл пахтакорлари коммунистлар бошчилигида чўлга ҳужум бошлашди. Суғориш каналлари, ариқлар қазилди. Йўллар очилиб, электр линиялари ўтказилди. Мана шу чўл бағрида кейинги 2—3 йилда замонавий агрошаҳарчалар қад кўтарди.

«Москва» совхози партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг РСДРП II съездининг 80 йиллиги муносабати билан чиқарган қарори асосида коммунистлар, барча меҳнаткаллар ўртасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар жараёнида ўша шонли йилларнинг бой тажрибасидан, анъаналаридан ғоят ўринли фойдаланмоқда. Шонли юбилей арафасида партия сафига қабул қилишни сўраб ариза бераётганлар сезиларли кўпайди. Пахтакорлар, чорвадорлар ўз аризаларида Ленин партияси сафида бўлишни, чўлни ўзлаштиришдан иборат жуда катта умумхалқ ишида авангардлик кўрсатиш иштиёқини таъкидламоқдалар. Партия комитетида ана шу аризаларнинг баъзилари билан танишдик. Шу пайт Саъдулла Раҳмонов фақат катта ишларни, йирик вазифаларни ҳал қилиш мобайнида камолга етган кишиларгина мана шундай юракдан чиқариб ёзадилар, улар ўз эътиқодларини, шонли анъаналаримизга садоқатларини амалда кўрсатган кишилардир, деди.

— Ташкилотимизда бундай кишилар жуда кўп, — совхоз директорининг сўзларини қувватлади партком секретари Ҳакимжон Нурматов. — Мана, Жамила Беккожонови олинг. У хўжалигимиз билан басма-бас камолга етди, довруғ қозонди. СССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Коммунист Жамила Беккожонованинг ҳаёт йўли чиндан ҳам ибратлидир. У дастлабки чўлқуварлар қаторида бу ерга келган. Мана энди йирик бир бригадага раҳбарлик қиляпти. Ўтган йилги ғоят мураккаб шароитда ҳам бу коллектив 60 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Бу йил ҳам табиат пахтакорларни қийин-қистовга олаётир. Шундай бўлса ҳам бригада далаларида парвариш жадал.

— Сув кам бўлса-да, мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни кўрамиз, — дейди Жамила Беккожонова. — Сувнинг бир граммини ҳам исроф қилмаймиз.

Сўзи билан иши бир коммунист Жамила Беккожонова бошлиқ коллектив шу кунларда чиндан ҳам ғоят тадбиркорлик кўрсатмоқда. Тупроқда намни узоқ сақлаш, ғўзаларни дуркун ривожлантириш чораларини кўрмоқда. Беккожонованинг яна бир ибратли ташаббуси Эллиққалъа районида кенг қулоч ёйди. У турмуш ўртоғи Абдулла Искандаров, укаси Эгамберди Каримов билан бирга уч йилдан буён ҳар мавсумда 650—700 тоннадан пахта теряпти. Оилавий экипаж аъзолари бу йил 700 тонна пахта териш мажбуриятини қабул қилди.

Партия комитети коммунистларни мўл ҳосил учун курашга сафарбар этишда, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтиришда сиёсий-ташкилотчилик ишларининг хилма-хил усул ва услубларидан фойдаланмоқда. Ҳозирги пайтда олтита ишлаб чиқариш участкасида цех партия ташкилотлари иш олиб бормоқда. Кўпчилик коллективларни коммунистлар бошқараётир. Тўхтабой Жуманиёзов, Нурмамат Отажонов ўртоқлар бошқараётган бўлимларнинг пахтакорлари ўзак йилда 55—60 центнерни кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Чўлни ўзлаштириб, мўл пахта етиштириш учун курашаётганлар орасида 60 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Қуронбой Собиров, Ибодулла Болтаев, Отахон Болтаев, Айтбой Жуманиёзов, Нурмамат Сейтимбетовлар бошлиқ бригадаларда ғўза парвариши мана шу юксак маррани кўзлаб, уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Қўриқ совхозда механизатор асосий фигурадир. Бир сўз билан айтганда, ҳар уч меҳнатчининг иккитаси механизатор. Улар орасида партия қатламини мустаҳкамлаш ҳамиша эътиборда. Умар Болтаев, Ҳасанбой Очилов, Мурод Темирбоев, Сулаймон Янгибоев, Тожибой Бегимбетовлар техника воситаларидан оқилона фойдаланиб, ҳар бир ишни сифатли ва самарали бажармоқдалар. Улар социалистик мусобақада байроқдорлик қилиб, ҳар гектарда тўлиқ кўчат сақлашга салмоқли ҳисса қўшаётирлар.

Телефон устма-уст жиринглади. Саъдулла Раҳмонов трубкада обком секретарининг таниш овозини эшитди: «Биз оқшом Тошкентдан қайтаётгандик. Пастда бир шаҳарча кўринди. Тўрткўлми десам, учувчи бу Бўстон шаҳарчаси деб айтди». «Тўғри, Қаллибек Камолович, бу бизнинг Бўстон қишлоғимиз». «Оқшом юқоридан худди шаҳарлардагидек чироғон кўринди». «Қишлоғимиз чиндан ҳам обод бўлиб кетди, Қаллибек Камолович». «Чўлда бўстон яратганларга раҳмат, деб қўйинг, Саъдулла Раҳмонович».

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Қорақалпоғистон АССР.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 6 июнь куни Катта Кремль саройида Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто шарафига зиёфат бердилар.

Сафарда М. Койвистога ҳамроҳ бўлиб келган давлат ва сиёсат арбоблари, савдо-саноат доираларининг намояндалари у билан бирга ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Ю. В. Андропов, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раслларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов зиёфатда нутқ сўзлади.

Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарам Койвисто хоним!

Муҳтарам финляндиялик меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Президент жаноблари ва Койвисто хоним, Сизларни, Бош министр Сорса жаноблари, Президент билан бирга келган барча давлат ва сиёсат арбобларини, шунингдек, дўст Финляндия савдо-саноат доираларининг намояндаларини чин кўнгилдан табриклайман.

Финляндия Республикаси Президентининг Совет Иттифоқига визити мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш соҳасидаги катта-катта ишлар билан нишонланди.

Бугун Совет — Финляндия муносабатлари солномасига яна бир ёрқин саҳифа қўшилди: СССР билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномани навбатдаги 20 йиллик даврга узайтириш тўғрисида протокол имзоланди.

Ўттиз беш йилдирки, бу Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга дуруст хизмат қилиб келмоқда, Европа шимолида, умуман Европа қитъасида тинчликка катта кўмак бермоқда. Шартноманинг учинчи бор узоқ муддатга яна узайтирилиши давлатларимизнинг бундан буён ҳам синалган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик йўлидан боравершга аҳд қилганликларидан яққол далолат беради.

Савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг 1995 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли программаси муваффақиятли бажарилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳозиргина имзоланган протокол бу программага яхши қўшимча бўлади.

Шу тарика СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик халқаро вазият барометри милининг ўзгаришларига тобе эмаслигини ва келажак сари аниқ интилишини ҳамма кўриб турибди.

Халқаро кескинликни ва узлуксиз қуролланиш пойгасини кучайтириш тарафдорларига, ўзаро ишонч сиёсатига сиғиниш тарғиботчиларига, ўзга халқларни «совет хавфи» шарпаси билан чўчитиб, уларни ўз измига юргизиш ишқибозларига Совет — Финляндия муносабатлари ёқмайди. Бунинг сабаби равшан: чунки бизнинг муносабатларимиз — халқаро муҳитни заҳарловчилар халқларнинг қулоғига қуйишга уринаётган ҳамма гаплар асоссизлигининг очиқ-равшан исботидир.

СССР билан Финляндия тўла тенг ҳуқуқли шериклар бўлиб ҳамкорлик қилмоқдалар. Биз бир-биримизнинг ички ишларимизга ҳеч бир аралашаётганимиз йўқ, ҳар бир мамлакат шериклигининг суверенитетига қатъий риоя этмоқда ва унинг манфаатларини ҳурмат қилмоқда. Биз иккала томон учун чинакамига манфаатли бўлган кенг миқёсдаги иқтисодий алоқаларни ўрнатдик ва ривожлантирямиз. Биз тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда иборат олижаноб ишда яхши ҳамкорлик қиляпмиз.

Шундай қилиб, бизнинг анъанавий ва йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз турли ижтимоий тузумга ва турли идеологияга мансуб бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар нақадар муваффақиятли ва самарали бўлиши мумкинлигининг яққол намунасидир. Бу — шунчаки тинч, хушмуомала алоқалар бўлиб қолмай, балки чинакам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро ишонч муносабатларидир.

Шу муносабат билан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни барпо этиш, мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантиришда Финляндия Республикасининг Президентлари Юхо Кусти Паасикиви, Урхо Калева Кекконен сингари атоқли давлат арбоблари ўйнаган ва ҳозирги вақтда Президент Мауно Койвисто ўйнаётган ролни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизда, Совет Иттифоқида қўшни Финляндиянинг шу раҳбарларини жиддий сиёсатчилар, салобатли ва софдил шериклар, ўз ватанининг жонкуярлари ва мустаҳкам тинчлик ишига астойдил садоқатли кишилар деб биламиз, уларга чуқур ҳурмат билан қараш одат бўлиб қолган. Шу туфайли ҳам уларнинг халқаро майдондаги юксак обрў-эътибори шакшубҳасиздир. Финляндиянинг ташқи сиёсат йўли — «Паасикиви — Кекконен йўли» кенг машҳур бўлиб ҳурмат қозонган.

Ҳозирги Финляндия халқаро турмушнинг актив қатнашчисидир. Биз СССРда Финляндиянинг бу ролини, унинг Европа халқлари тинчлиги, хавфсизлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббусларини қадрлаймиз. Шу муносабат билан Финляндиянинг Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш хусусидаги таклифини ва Финляндия дипломатиясининг ўттиз беш давлат Мадрид учрашувидаги ғайрат-ҳаракатларини эслатиб ўтиш кифоя.

Совет Иттифоқи Европа шимолидаги ядросиз зона ғоясига шунчаки хайрихоҳ бўлиб қолмай, шундай зона белгиланишига кўмаклашишга тайёр ҳамдир.

Биз бундай зонанинг статусини ҳурмат қилиш мажбуриятини зиммага олиш билангина чекланмасдан, шу билан бирга зонага туташган ўз территориямизга нисбатан шу зонанинг ядросиз статусини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган баъзи бир, аммо муҳим тадбирларни кўриш масаласини қараб чиқишга тайёр ҳам бўлур эдик. Совет Иттифоқи Болтиқ денгизи акваториясига ядросиз статус берилиши тўғрисидаги масалани манфаатдор томонлар билан муҳокама қилиши ҳам мумкин бўлур эди.

Ҳозирги вақтда Америка ракеталарини Ғарбий Европага жойлаштириш, унинг ерларини Совет Иттифоқига ва унинг иттифоқчиларига ядровий зарба уришга мослаштирилган учириш майдончасига айлантириш режалари Европа хавфсизлигига солинаётган энг катта таҳликадир. Башарти мана шу қуролни жойлаштиришга киришиладиган бўлса, СССР Американинг янги ракеталари жойлаштириладиган территорияларини ҳам, шунингдек АҚШнинг ўз территориясини ҳам назарда тутиб, ўз вақтида, самарали жавоб чораларини кўради, деб биз огоҳлантириб қўйдик. Совет халқи ва унинг дўстларининг хавфсизлиги тўғрисидаги ғамхўрлик бизнинг зиммамизга мана шундай масъулиятни юклайди.

Бироқ, биз ишнинг шунгача бориб тақалишини хоҳламас эдик. Биз — ядровий хавфдан халос бўлган Европа тарафдоримиз. Биз ишнинг бошланиши сифатида иккала томондан Европадаги ядровий аслаҳахоналарни кўп миқдорда қисқартириш тўғрисида бир битимга келишга аввалгидек тайёрмиз. Аммо бу — ҳалол ва тенг ҳуқуқли аҳднома бўлиши керак. Биздан Совет Иттифоқини НАТО мамлакатларининг юзлаб ядровий ракеталарига қуролсиз нишон қилиб қолдиришни, тийиб турувчи жавоб эквивалентига эга бўлмасликни талаб қилмай қўяқолсинлар. Тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя қилинса, биз билан доимо келишиш мумкин бўлади.

СССР ташқи сиёсатининг Европада ва бутун дунёда тинчлик ва мустаҳкам тинчликдан юксакроқ мақсади йўқ. Шу боисдан биз тинчликсевар давлатларнинг сиёсатини юқори баҳолаймиз, Финляндия мана шундай давлатлар жумласига киради, албатта.

Президент жаноблари, бизнинг Сиз билан музокараларимиз ва 1948 йилги Шартноманинг узайтирилиши — Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришда қўйилган катта қадамгина бўлиб қолмай, шу билан бирга Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ғоят фойдали ҳисса ҳамдир.

Шу визит учун меҳмонимизга миннатдорчилик билдириб, Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто ва Теллерво Койвисто хонимнинг соғлиғи учун, шу ерда ҳозир бўлган финляндиялик барча меҳмонларнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан!

Совет Иттифоқи билан Финляндия халқлари ўртасида яхши қўшничилик ва дўстлик учун!

Европада ва бутун дунёда мустаҳкам, одилона тинчлик учун!

* * *

М. Койвисто жавоб нутқи сўзлади.

М. КОЙВИСТО нутқи

Муҳтарам Бош секретарь Андропов!

Муҳтарам совет мезбонлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менинг Президент лавозимида бўлган вақтимда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига биринчи расмий визит қилиб, бу ерда ҳозир бўлганлигим муносабати билан бугун алоҳида мамнуният изҳор этишим ўринлидир. Менга юборилган таклифнома учун астойдил миннатдорчилик изҳор этаман.

Бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида мен давлат бошлиғи сифатида бошқа воқеалар муносабати билан Совет Иттифоқига бир неча бор келишга ва мамлакатингизнинг раҳбарлари билан бу ерда ҳам, Финляндияда ҳам учрашишга мушарраф бўлдим. Бу учрашувлар қимматли ва фойдали бўлди.

Бошланган расмий визитни кўп йиллар, ҳатто ўн йиллар мобайнида Финляндия билан Совет Иттифоқининг ўзаро алоқалари ривожланиб келган анъананинг давоми деб биламан. Визит Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг давомийлигини ва муҳим аҳамиятини, шунингдек, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳурматни акс эттиради. Бизга кўрсатилган иззат-икромни, Советлар диёрига қадам қўйишимиз биланоқ визит вақтида ҳукм сураётган самимий муҳитни шу туйғуларнинг конкрет далили деб ҳисоблайман. Тайёрланган ажойиб программа учун, биз жуда яхши кутиб олинганимиз учун шахсан ўз номимдан ва менга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар номидан ғоят самимий миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Визит вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов билан мамлакатларимизнинг икки томонлама муносабатлари масалалари юзасидан ҳам, шунингдек энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан ҳам батафсил суҳбатлар ўтказиш имкониятига эга бўлдим. Учрашувимиз умуман давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар учун жуда характерли бўлган сидқидиллик, самимият руҳида ва дўстона муҳитда ўтди. Бош секретарь жаноблари, Сиз кенг миқёсдаги ҳамкорлигимизнинг жамики икир-чикирларигача қизиқиб қараганлигингиз ва бу соҳада билимдонлигингиз менда катта таассурот қолдирди.

Финляндия билан Совет Иттифоқининг ўзаро алоқалари барқарор, ҳар томонлама характерда бўлиб, ўзаро визитлар натижасида ҳам, шунингдек кундалик оддий ишларда ҳам доимо янги мазмун билан бойиб бормоқда. Бу ҳамкорликнинг асоси 1948 йилда, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузилган пайтда яратилган эди.

Дўстона муносабатларда яшаб турган икки мамлакат ўз ўрталаридаги алоқаларни анча узоқ истиқболни кўзлаб тузишлари фойдалидир. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома бунинг учун замин яратган. Бундай планлилик бутун ҳамкорлик учун ва уни ривожлантириш учун ишонч ҳамда пухталик бахш этади.

Ҳозир биз халқаро сиёсатда маълум маънода ўтиш даврини бошдан кечираяпмиз, бу давр турли давлатларнинг аҳволи ва мақсадлари хусусида ишончсизлик туғдириши осон. Аммо Финляндия бундай вазиятда ҳар қандай ҳадик ва ғаразлардан ҳоли бўлиб турибди. Биз «Паасикиви — Кекконен йўлидан» бундан кейин ҳам қатъий боравермиз. Улуғ қўшни давлат — Совет Иттифоқи билан муносабатларимиз ўттиз беш йилдан бери ўз мазмуни жиҳатидан ўзгармай келаётган асосий ҳужжатга таянаётганлиги факти Финляндиянинг халқаро аҳволи барқарорлигига ҳал қилувчи тарзда кўмаклашмоқда. Шу боисдан ҳам биз дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманинг амал қилиш муддати тугамасидан аввалоқ уни мавжуд шаклида узайтиришни талаб деб тондик. Совет Иттифоқининг раҳбарлари шундай қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар. 1955 ва 1970 йилларда ҳам шундай қилинганини эътиборга олиб, бу Шартноманинг амал қилиш муддатини барвақт узайтириш яхши анъана бўлиб қолди.

Финляндия билан Совет Иттифоқининг олий мартабали намояндалари бугун бу ерда, Кремлда шу музокаралар натижасининг, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги протокол имзоланишининг гувоҳи бўлдилар. Бу иш Финляндия билан Совет Иттифоқидаги ишонч муносабатлари давомийлиги ва ўзгармаслигини конкрет тарзда тасдиқлайди ҳамда шу муносабатларни узоқ истиқболни кўзлаб ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Менинг Совет Иттифоқига қилган биринчи расмий визитим вақтида муносабатларимизнинг асосий ҳужжати амал қилиш муддати узайтирилаётганини шахсан муҳим воқеа деб ҳисоблайман. Бу воқеа менинг визитимга муҳим давлат аҳамият бахш этади.

Шу йил кўкламида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома тузилган кунга 35 йил тўлди. Шу қадар узоқ давр мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларини тарихий истиқбол нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Олисни кўзловчи шу қарор туфайли Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар халқаро иқлимнинг ўзгаришларига, сиёсий вазиятнинг тебранишларига тобе бўлмаган яхши қўшничилик муносабатларининг намунаси бўлиб қолди. Бу муносабатлар иккала мамлакатнинг ва иккала халқнинг туб манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушишини тажриба исботлади.

Ўзаро иқтисодий алоқалар Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда марказий ўрин олади. Финляндиянинг фикрича, бизнинг савдомиз ҳамиша бутун халқ хўжалигимиз учун муҳим омил бўлиб келди. Бу гап Финляндиянинг экспортигагина тааллуқли бўлмай, шу билан бирга Совет Иттифоқидан ҳам импорт қилишимизга кўп даражада тааллуқлидир.

Умуман ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўнглимиздагидек ривожланмоқда. Жаҳон экономикасидаги тебранишлар бизнинг икки томонлама савдо-сотиғимизда ҳам акс этганлиги табиий, аммо биз шу муносабат билан рўй берган проблемаларни анъанавий яхши ҳамкорлигимиз руҳида, иккала мамлакатнинг манфаатларига мувофиқ равишда ҳал этишга муваффақ бўлдик.

Яқинда биз 1986—1990 йилларга мўлжалланган товар оборoти ва тўловлар тўғрисида навбатдаги битимни ишлаб чиқишга киришдик. Бу битим мана шу шартномавий давр бошланмасданоқ бизнинг савдо-сотиғимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Товар оборoти ва тўловлар тўғрисидаги ҳозирги беш йиллик битимнинг амал қилиш муддати ўрталарига борганда биз ўзаро савдо-сотиқ соҳасида мазкур битимда ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасида ўртага қўйилган мақсадларга шак-шубҳасиз эришилади ва ҳатто ошиб кетилади, деб бемалол айта оламиз. Навбатдаги беш йиллиқда, менинг фикримча, савдо-сотиқни камида эришилган миқёсларда давом эттиришни таъминлаш вазифасини ўртага қўймоқ керак. Шу билан бирга савдо-сотиқнинг структурасини ҳам такомиллаштириш лозим.

Азиз дўстлар!

Афсуски, халқаро вазият ўзаро муносабатларимизда одатланиб қолган вазиятдан анча фарқ қилади. Мана шундай вазиятда биз ортирган ва ўз миқёслари жиҳатидан ҳам, шунингдек, ижтимоий системалар жиҳатидан ҳам турлича бўлган икки давлат ўртасида жуда яхши муносабатлар ва кенг миқёсда ҳамкорлик бўлиши мумкинлигидан далолат берадиган тажрибанинг аҳамияти одатдагидан кўра кўпроқ бўртиб кўринади.

Халқаро миқёсда олганда Финляндия — Совет яхши муносабатларининг аҳамияти аввало Европа шимолидаги аҳволда — ўз аксини топиши табиий. Мамлакатларимиз ўртасида 1948 йилги Шартнома асосига қурилган муносабатлар бизга туташ райондаги умумий барқарор аҳволни сақлаб қолишга катта таъсир ўтказмоқда. Финляндиянинг мақсади Европа шимолини бундан буён ҳам халқаро кескинлик доирасидан четда, барқарор ҳолда сақлаб қолишдан иборат.

Европа шимолидаги барқарорликни таъминлаш учун бу районни эҳтимол тутилган ҳамма вазиятларда ядросиз сақлаб қолиш муҳим бўлур эди. Биз Европа шимолида президент Кекконен 1963 йилдаёқ ўртага қўйган тегишли таклиф асосида ядросиз зона вужудга келтириш мақсадини кўзлаб, бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлайверамиз. Бош секретарь жаноблари, биз финлар шу муносабат билан Совет Иттифоқининг Финляндия ташаббусига ижобий назар билан қараши тўғрисида, шунингдек унинг шимолий мамлакатларга туташган ўз территориясига татбиқан кўриладиган тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга тайёр эканлиги ҳақида яқинда берилган баёнотни яхши ният билан кутиб олдик.

Умуман халқаро вазият ташвиш туғдирмоқда. Давом этаётган қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва шунинг натижасида кўпроқ ишонч билан ва ҳамкорликка ҳозирлик билан ажралиб турувчи яхшироқ муҳитни вужудга келтириш биринчи даражали муҳим аҳамиятга эга бўлур эди. Чунки бу келажакка ишончи мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўлидир. Қуролланиш, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолиш йўлидаги ҳамма куч-қувватлар ғоят муҳимдир. Женевада ўтказилаётган музокаралар ҳаммамизга таллуқли. Шу сабабли биз бу музокаралар бир битимга олиб боришидан астойдил умидвормиз — бунга қанчалик тезроқ эришилса, шунчалик яхши бўлади. Воқеаларнинг бундан бошқача тарзда ривожланиши кескинликни юмшатиш йилларида айни Европа хусусида эришилган ғалабаларга путур етказган бўлур эди, бу ўринда қуролланиш пойгасининг чексиз давом этавериши инсоният учун қандай оқибатларни келтириб чиқариши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Умумевропа кенгашида қатнашган мамлакатлар вакилларининг иккинчи учрашуви Мадридда уч йилдан бери давом этмоқда. У ерда Якуновчи актнинг ҳамма алоҳида-алоҳида соҳаларини мувозанатли тарзда қамраб оладиган мазмундор ҳужжат ишлаб чиқилади, деб умид қиламиз. Бошқа бетараф ва қўшилмаган мамлакатлар билан биргаликда Финляндия шу мақсадга эришиш муҳимлигини таъкидлайди ва шу йўлда тинимсиз куч-ғайрат сарфлайверади. Шу тарика биз ўзимизнинг бетарафлик сиёсатимизни тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб амалда рўёбга чиқаришга интиламиз. Умумевропа кенгашида бошланган жараёнга таъсир ўтказиш имкониятимиз бўлган ҳолларда унга таъсир ўтказишга кўмаклашиш ҳам бизнинг бутун Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлимизга ва ўз манфаатларимизга келгусида ҳам мос келаверади.

Азиз дўстлар!

Мен Финляндия — Совет муносабатларининг энг қимматли анъаналарини давом эттириш учун бу ерга келдим. Менинг ўтмишдошларим — президентлар Паасикиви билан Кекконен муносабатларимизни йўлга қўйдилар ва ҳозирги юксак даражагача ривожлантирдилар. Мен қабул қилиб олган бу мерос менинг зиммамга ҳам, шунингдек бутун фин халқининг зиммасига мажбурият юклайди. Шунга асосланиб биз келгусида ҳам олга боравермиз. Совет Иттифоқининг раҳбарлари шу муносабатларни ривожлантиришга мадад бераётганлиги нақадар қимматли эканлигини яна уқтириб ўтишга мувафақ бўлдим. Шуни англаганда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш режаларида кўзда тутилган ишни давом эттириш осон бўлади.

Бош секретарь жаноблари,

мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари учун мана шу шонли йилда яхши муносабатларимизнинг келажаги учун, Бош секретарь жаноблари, Сизнинг соғлиғингиз учун, Сизнинг муваффақиятларингиз учун, бутун совет халқининг бахт-саодати учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Ю. В. Андропов ва М. Койвистонинг нутқлари зўр эътибор билан тинглади, давомли қарсаклар билан қутиб олинди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

СССР ташқи сиёсатига доир ҳужжатлар тўпламининг иккинчи китоби «Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун» деган ном билан чиқди. СССР Ташқи ишлар министрлиги ҳузуридаги дипломатик ҳужжатларни нашр этиш комиссияси 1966 йил 3 августдан 31 декабргача бўлган даврни ўз ичига олган совет ташқи сиёсати ҳужжатларини эълон қилишни давом эттиради.

Шу нашр ташқи сиёсат ва халқаро масалалар хусусида КПСС ва Совет давлатининг расмий ҳужжатлари ва материалларини, СССР раҳбарларининг нутқлари ва докладларини, совет партия, ҳукумат ва бошқа делегацияларининг чет мамлакатларга визити ва чет эл делегацияларининг СССРга визити тўғрисидаги ҳужжатларни, шунингдек нотолар, баёнотлар, мактублар, бошқа материалларни ўз ичига олади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Пахтаобод райони (район партия комитетининг секретари Х. К. Носиров, район ижроия комитетининг раиси Г. Ф. Усмонхўжаев, район комсомол комитетининг секретари А. Абдумаликов, бош пиллахона директори И. Йўлдошев).

Самарқанд райони (район партия комитетининг секретари Р. Абдуллаев, район ижроия комитетининг раиси М. Шерқулов, район комсомол комитетининг секретари Ф. А. Зубайдуллаев, бош пиллахона директори Ш. Нарзуллаев);

Советобод райони (район партия комитетининг секретари Н. Элбоев, район ижроия комитетининг раиси У. Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари С. Холбозоров, бош пиллахона директори Т. Жўраев);

Урганч райони (район партия комитетининг секретари М. Жуманазаров, район ижроия комитетининг раиси У. Мадаминов, район комсомол комитетининг секретари А. Р. Аллаберганов, бош пиллахона директори Х. Кенжаева);

МУСТАҲКАМ ИЛМИЙ ПОЗИЦИЯЛАР

7 июнь куни Тошкентда «СССРнинг иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги энг янги буржуа концепцияларини танқид қилишга доир актуал масалалари» юзасидан мувофиқлаштириш кенгаши бўлиб ўтди. СССР Фанлар академияси Экономика институтининг сектор мудири профессор Ю. Я. Ольсевич илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, ҳозирги ғоявий кураш шароитида экономистларнинг тадқиқотларини чуқурлаштириш муҳим вазифалари тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

АСОСИЙ МАВЗУ — ЗАМОНДОШИМИЗ

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг 7 июнда бўлиб ўтган пленуми «Рассом ва ҳозирги замон» мавзуига бағишланди. Пленум қатнашчилари «Ёшлар намойиш қилади» республика кўргазмасига қўйилган асарларни муҳокама қилдилар. Мазкур кўргазма шу кунларда Тошкентда намойиш қилинмоқда. (ЎзТАГ).

МАКЕДОНИЯЛИК ДЎСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари Македония Социалистик Республикасининг Ўзбекистон ССРдаги маданият кунлари қатнашчилари бўлган азиз меҳмонларни 7 июнь куни самимий, анъанавий ризқнасиба билан кутиб олдилар. Югославия вакиллари ана шу пешқадам корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, коллективнинг плани билан қизиқиб танишдилар.

Завод маданият саройида маданият кунларига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан завод партия комитетининг секретари Х. Н. Шагиев, электрик, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. В. Симонов, созловчи М. А. Тешабоев ва бошқалар КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, бу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун бутун совет халқи билан биргаликда курашаётган Тошкент трактор-созларининг жадал, илҳомбахш ишлари ҳақида гапирдилар.

Митингда Македония делегациясининг раҳбари, Македония Социалистик Республикаси мажлиси ижроия вечесининг раиси Драголюб Ставрев нутқ сўзлади. У Югославия меҳнаткашлари номидан тракторсозларга қизғин салом топширди, хушнудлик билан қутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди, уларга меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар тилади. Югославия ва Совет Иттифоқи халқлари, деб таъкидлади у, анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, инсониятнинг ёрқин келажаги учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, фарзандларимиз уруш даҳшатларини билмасликлари учун баҳамжиҳат курашмоқдалар. Бу йилги Македония маданият кунлари ана шу дўстликнинг ажойиб ифодаси бўлиб, СССР билан ЮСФР ўртасидаги эзгу муносабатларни янада ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшади.

Шу куни меҳмонлар академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ,узумчилик ва виночилик Бутуниттифоқ илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент область Оржоникидзе районидаги В. И. Ленин номли колхоз лимонзорида бўлишди.

Македония ва Ўзбекистон маданият арбобларининг ижодий учрашувлари ҳам ўтказилди. Кечқурун македониялик кинематографчилар Тошкент санъат саройида ўз фильмларини намойиш этдилар. Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри эса югославиялик дирижёр А. Лековски раҳбарлигида Македония композиторларининг асарларини ижро этди.

Меҳмонларнинг республика меҳнаткашлари билан учрашувларида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Т. Турсунов иштирок этдилар. ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Друлович меҳмонлар билан бирга бўлди.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

7 июнь куни Тошкентда «Вопросы философии» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Журналнинг бош редактори, философия фанлари доктори, профессор В. С. Семёнов журналнинг фаолияти ҳақида, коллективнинг КПСС XXVI съезди, ҚПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида, гапириб берди.

Йиғилиш аҳли ҳузурида сўзга чиққан СССР Философия жамияти Ўзбекистон бўлимининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номли философия ва ҳуқуқ институтининг, шунингдек, бошқа илмий муассасаларнинг вакиллари журналнинг Ўзбекистонда философия фанини ривожлантиришга таъсири, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли ҳақида гапирдилар.

Журналхонлар конференцияси қатнашчилари «Вопросы философии» журнали редакцион коллегиясига, редакция коллективи ва авторлар активига ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва тилакларини билдирдилар.

(ЎзТАГ).

Оламда нима гап

А. ВА П. ГАРРИМАНЛАР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ГАПИРИШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июнь. (ТАСС). АҚШнинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари А. ва П. Гарриманлар Америка телевидениеси орқали сўзга чиқиб, Москвада КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов билан қилган суҳбатлари ҳақида гапириб бердилар.

Жумладан, А. Гарриманга: бу учрашув сизга умид бағишладими? Сиз Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш истиқболлари қандай таърифлаган бўлур эдингиз? деган савол берилди. У бундай жавоб қайтарди: мен муносабатларни икки томонлама ҳаракат қилинадиган кўчага қиёс қилиш мумкин, деб ҳисоблайман. Бу томон ҳам, у томон ҳам бунда ўз ҳолича муносабат ўрната олмайди. Умумий бир мақсадни кўзламоқ зарур, ҳукуматимиз қандай позиция тутишини билмайман, бироқ ҳозирча муносабатларимизни чинакамига яхшилаш учун қулай имконият бор, агар ҳукуматимиз шу имкониятдан фойдаланса, менинг назаримда, бу нарса манфаатларимизга тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Равшанки, икки ўртада биз бартараф эта олмайдиган бир талай ихтилофлар бор. Шу сабабли мен яхшилик сари силжишга эришиш эҳтимоли кўпроқ бўлган проблемалар билан шуғулланган бўлур эдим.

Кремлдаги учрашувдан олган энг катта таассуротимиз шу бўлдики, деб уқтирди. А. Гарриман, совет раҳбарлари Совет — Америка муносабатларининг ҳозирги ҳолатидан ташвиш чекмоқдалар, улар бу муносабатларни нормаллаштиришга интилмоқдалар. Бизга айтилган гаплар орасида мана шу фикр энг муҳим бўлди, деган таассурот вужудга келди, деб таъкидлади А. Гарриман. Биз уларнинг системасини ўзгартира олмаймиз. Буни қарангки, баъзи бир америкаликлар бирон бир коммунист билан музокара ўтказиб, уни ўз фикрларини ўзгартиришга ишонтириш мумкин, деб ҳисоблайдилар, аммо мутлақо бундай қилиб бўлмайди. Системаларимиз ҳар хил бўлишига қарамай, биргаликда яшай олишимизни зътироф қилиш лозим, холос. Биз савдо-сотиқ муносабатларини давом эттиришимиз мумкин. Дарвоқе, бу мен ўртага қўйишим мумкин бўлган ғоялардан биридир, бунда мен савдо-сотиқни кенгайтиришни назарда тутаман. Биз учун бу жуда муҳимдир.

Америка дипломатиясининг ветерани суҳбат вақтида совет раҳбари ҳар қандай проблемаларни муҳокама қилишга тайёр эканини билдиргани, Совет Иттифоқининг у баён этиб берган позициялари «тўғрилиги ва қатъийлиги» билан ажралиб турганлигини уқтириб ўтди.

Ҳозирги кескинликни қандай қилиб юмшатиш мумкин деган саволга жавобан А. Гарриман бундай деди: бу нарса бизнинг ҳукуматимиз нақадар олисни кўзлаб иш тутишга тайёр эканига боғлиқ. Муҳокамани бошлаш муҳимдир. Ана шундай муҳокама қулай имкониятларни яратади ва биз силжишга эришишимиз мумкин бўлган соҳаларда музокаралар олиб боришимиз зарур, деб ўйлайман.

БАХТАР АГЕНТЛИГИНИНГ ШАРҲИ

КОБУЛ, 6 июнь. (ТАСС). Кейинги вақтда Хитой матбуотида Афғонистонга душманлик руҳидаги бир қанча мақолалар босилиб чиққанлиги муносабати билан Бахтар агентлиги тарқатган шарҳда, жумладан бундай дейилади: бу душманлик — Хитойнинг Афғонистонга нисбатан тутаётган позицияси оқибатидир. ХХР АДРга қарши разил урушга ўзининг дахлдорлигини яширолмайди. Империалистларнинг гумашталари билан биргаликда Пекин ҳам Афғонистон территориясидаги қотиллик ва зўравонликка кўмаклашмоқда. Хитойлик инструкторлар Покистон территориясида афғон босмачиларини тайёрламоқдалар, уларга газандалик ва қўпорувчилик методларини ўргатмоқдалар. Сўнгра шу газандалар АДРга юборилмоқда, улар бу ерга келгач, ХХР берган қуролдан фойдаланиб афғон халқига қарши қонли жиноят қилмоқдалар.

Фактлар, шу жумладан Хитой матбуотида босилган душманлик руҳидаги мақолалар Пекиннинг Афғонистонга қарши сиёсатни давом эттираётганидан далолат беради. У империализм билан ва афғон аксилинқилобчилари билан тил бириктиришга ўтиб, Апрель революцияси йўлига тўсиқ қўйишга интилмоқда.

Бахтар агентлиги мазкур кирдикорларнинг мағлубиятга маҳкум эканлигини таъкидлаб, пировардида бундай деб ёзади: бизнинг революциямизни орқага қайтариб бўлмайди. Миллион-миллион афғонлар шу революция тараққиётига жипслашмоқдалар. Улар Апрель революциясининг узил-кесил ғаласасигина ўзларининг эзгу орзу умидларини рўёбга чиқара олишига аминдирлар.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

МУДҲИШ СТАТИСТИКА

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумот

МАДАНИЯТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

РАҚСЛАР ГУЛДАСТАСИ

Душко ДМИТРОВСКИ,
«Македония рақси» фольклор ансамблининг директори

— Киши дўстлар диёрига қадам ранжида қилганда ўзини эркин ҳис этади. Биз қуёшли Ўзбекистонда худди ана шундай эркин, хуш кайфият билан юрибмиз. Шуниси диққатга сазоворки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида республикамиз Маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантаналардаёқ биз ўзбекистонлик биродарларимиз санъатга ниҳоятда юксак дид ва талаб билан қарашларини илғаб олдик.

Ансамблимиз 1949 йилда ташкил топган. Унинг юзага келишида Македония Социалистик Республикасида яшовчи халқлар ва элатлар ижодини кенг тарғиб-ташвиқ этиш асосий омил бўлган. Ансамбль ўз зиммасига юкланган бу вазифани шараф билан ўташ баробарида миллий рақс санъатининг янада бойишига ҳисса ҳам қўшиб келмоқда. Бу ишни ансамблнинг 60 раққоси ва раққосаси шараф билан уддалаётганлигини таъкидлаб ўтгим келади. Шуни ҳам айтиш лозимки, ансамбль қошида ҳаваскорлар билан ишловчи махсус студиялар мунтазам суратда иш олиб бормоқда. Бу студияларимизда пионерлар ва ўсмирлардан иборат 300 дан зиёд ҳаваскор рақс сирларини пухта ўрганмоқда.

Ансамблимиз коллективи дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатида бўлган. Лекин бизнинг Совет Иттифоқига ташрифимиз ҳамиша қувончли воқеаларга бой бўлади. Мана, учинчи марта бу улуғ мамлакатда бўляпмиз ва ҳар галгидек бу буюк оиланинг самимий меҳру муҳаббатини, улуғ қардошлик туйғусини теран ҳис этиб турибмиз.

Жаннатмакон ўзбек диёри ҳақида завқ-шавқ билан узоқ сўзлаш мумкин. Ўзбекистон тупроғи бениҳоя сахий бўлганидек меҳмондўст ўзбек халқининг ҳам ниҳоятда бағри кенг. Биз бу ерда ўзимизни ўз уйимизда юргандек ҳис этамиз ва булар барчасини самимий дўстлигимиздан, деб биламиз.

Рақс ансамблимизнинг Благой Филиповски, Зора Ивановски сингари таниқли санъаткорлари Маданият кунларига махсус ҳозирлик кўришган эди... Ўйлаймизки, ансамбль санъаткорлари ижросидаги рақслар ўзбекистонлик санъат ихлосмандларига манзур бўлади. Бу қуёшли юртдан илҳомга тўлиб она диёримизга қайтишимизга шубҳа қилмаймиз.

НОН ВА ТУЗНИ УЛУҒЛАБ

Самоил ДУКОВСКИ,
«Нон ва туз» эстрада коллективининг продюсери

— Нон ва туз! Бизнинг эстрада коллективимиз ана шу табаррук неъматлар номи билан аталган. Бу билан ҳамиша фахрланамиз. Тўғри, эстрада коллективимиз ташкил топганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. «Нон ва туз» эстрада коллективи 1976 йилда юзага келди. Унинг шаклланишида коллективнинг музика раҳбари Влатко Стефановскининг хизматлари беқиёс бўлди. Влатко ижросидаги ажойиб тароналар барчани ўзига мафтун этади. Ансамблнинг яна бир фидойи аъзоси — гитарачи Бодан Арсовскининг хизматлари ҳам олқишга лойиқ. Қаерда бўлмайлик, бу фидойилар нон ва тузни улуғлаб, элнинг муҳаббатини қозонади. Табиийки, қўшиқларнинг жарангдор чиқишида барабанчи Драголюб Дюреничнинг ҳам самарали ҳиссаси бор. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда Маданият кунларимиз ўтишини ва бунда коллективимиз иштирок этажагини эшитган кундан бошлаб биз зўр қувонч билан бу шодиёнага катта ҳозирлик кўра бошладик. Ўзбек адабиёти бугунги кунда македониялик китобхонларга қанчалик таниш бўлса, ўзбек санъати ҳам юртимиз санъат ихлосмандларига шунчалик маълум. Бу санъат бизнинг қалбимиздан чуқур жой олган. Бундан бир неча йил муқаддам Бодан Арсовски бу жаннатмакон диёрда бўлган ва у бизга таассуротларини сўзлаб берган эди. Бугун эса биз ана шу гўзал республикада меҳмон бўлиб турибмиз. Ўзбекистон кўп томонлари билан Македониянга яқин. Бизнинг республика ҳам ЮСФРнинг «оқ олтин» етиштирувчи ўлкасидир. Қолаверса, гўзал Тошкент билан Скопле шаҳарларида ҳам бир-бирига яқинлик йўқ эмас. Скопледа ҳам Тошкентдаги сингари мудҳиш зилзила бўлган ва шаҳарнинг қайта тикланишида халқларимиз эўр фидойилик намунасини кўрсатишган. Тошкентнинг гўзал хиёбонларида, муҳташам кошоналарида, метрополитенида бўлганимизда, унинг зилзиладан кейин қайта тикланган шаҳар эканлигига ишонгимиз ҳам келмади. Чунки шаҳар ақл бовар қилмайдиган даражада жозиба касб этган. Энг муҳими, ҳар бир бинода, кошонада, ёдгорликда биз шарқона миллий архитектура жилоларини кўрдик.

Маданият кунлари республика бўйлаб бир неча кун мобайнида давом этади. Биз қатор областларда бўламиз. Хонадаларимиз дилрабо куй ва қўшиқлари билан ўзбекистонлик меҳнаткашларни мамнун этишга азм қилишган. Шубҳа йўқки, концертларимиз кўтаринки руҳда ўтади.

СУРАТДА: Македония маданияти кунлари қатнашчилари — ансамбли қатнашчиларидан бир гуруҳи. «Нон ва туз» эстрада ансамбли қатнашчиларидан бир гуруҳи. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН КИНОСИ КУНЛАРИ

САЛОМ, НИЗОМИЙ!

Кеча Тошкент областининг Нариманов шаҳридаги «Боку» кинотеатрида Озарбайжон киноси кунлари тантанали суратда очилди.

Кенг жамоатчилик ва кўп сонли санъат мухлислари қардош республикадан ташриф буюрган кинематографчилар делегациясини қизғин қарсаклар билан кутиб олишди. Меҳмонлар орасида Лайли Бедирбейли, Мухтор Дадашев, Расим Балаев, Гасан Мамедов, Гамида Омарова каби таниқли артистлар бор.

Қардош республика киноси кунлари программаси кинорежиссёр, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Элдор Қулиевнинг икки серияли «Низомий» бадиий фильми билан бошланди. Бу тарихий-биографик картина сценарийсини кинодраматург И. Гусейнов ва Э. Қулиев ёзган. Буюк шоирнинг ижоди ва ҳаёти, этик ва эстетик қарашлари фалсафаси ҳақида ҳикоя қилувчи бу янги экран асари қизиқиш билан томоша қилинди.

Фильмда биздан анча олис тарихнинг мураккаб бир даври тўғрисида сўз юритилса-да, улуғ Низомийнинг бетакрор ҳаёти, кураши ва ижоди ўзига хос, мароқли кўрсатилган. Картинанинг ҳар бир кадрида буюк шоир поэзиясининг илҳомбахш тароналарини, руҳини сезиш ва ҳис қилиш мумкин. Бу, шубҳасиз, фильм муаллифларининг ажойиб ютуғидир.

Картинани «Озарбайжонфильм» ва «Мосфильм» киностудиялари ҳамкорликда яратишган. Асарни экранлаштириш жараёнида улуғ композитор Узеир Ҳожибековнинг Низомий шеърларига ёзган машҳур романсларидан фойдаланилди. Шуниси қувончлики, фильмдаги бош роль — Низомийни СССР халқ артисти Муслим Магомаев ижро этган. Оператор — А. Наримонбеков, рассом — М. Агабеков. Янги картина музикасининг муаллифи эса, ажойиб санъаткор Қора Қораев.

А. АЛЕСКЕР ЎҒЛИ.

ҚОЗОҚ ТЕАТРИНИНГ АКТЁРЛАРИ

АСАНАЛИ АШИМОВ

Мухтор Авезов номидаги Академик драма театрида ўзига хос ижрочилиги билан ажралиб турадиган, қолаверса, коллективнинг бугунги ютуқларига ютуқлар қўшаётган актёр ва актрисалар кўп. Шундай санъаткорлардан бири СССР халқ артисти А. Ашимов.

Асанали Ашимов театрда кейинги йилларда саҳналаштирилаётган аксарият спектакларда бош ролларни ижро этмоқда.

Актёр кинодаги бир қатор мароқли роллари билан ҳам машҳур. Айниқса, унинг «Атаманнинг ҳалокати» фильмидаги ижрочилиги диққатга сазовор.

СУРАТДА: СССР халқ артисти Асанали Ашимов «Қон ва тер» спектаклида Еламан ролида.

К. РОМЕЕВ фотоси.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ОЛМАГА ТУШГАН ҚУРТ

Меҳнатига яраша ҳурмат, меҳнатига яраша шон-шуҳрат деган шиор бор. Бу халқ бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилувчиларни эзъозлашга қаратилган. Кимки ўзини ўйламай, эл учун яшаса, эл учун меҳнат қилса, обрў топади, қадрланади. Ҳаётимизнинг қонуни ана шундай. Қаллоблик, фирибгарлик билан мўмай пул топиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмай, гар-гар кекириб юрганлар-чи? Халқимиз бу тоифадаги одамлардан нафратланади. Ҳеч ким эл назаридан қолмасин, деб бежиз айтмаганлар. Назардан қолганлар ўз қилмишлари билан халқ нафратига учраши турган гап. Бунга бир мисол келтирамиз.

... Холомон Файзиевни эшитганмисиз? Наҳотки, эшитмаган бўлсангиз? Ахир у кишини Фарғона-ю Наманганда, Самарқанду Жиззахда танийдилар. Лавозимини сўраманг. Оддийгина мансаб, кооп торгнинг директорлиги. Эшитган экансиз. Ҳа, ўша одам, Тошкент район матлубот союзига қарашли кооп торгнинг директори. Аммо ҳеч кимга панд берган эмас. Боғингизга бир назар ташлайди-да, қанча ҳосил чиқишини, қанча даромад беришини айтиб беради.

Шунча олмани бозорда сота олмайсиз, бунинг устига вақтингиз кетади. Иккиуч баравар арзонига бўлсаям Холомонга топширинг. Бир кунда териб бериб, пулини нақд санаб олаверасиз. Ўзини тополмасангиз Турсунмуҳаммад Қодиров деган тайёрловчи бор. Боғингизда ҳосил яхши бўлса, ўзи келади, сизни ўзи қидириб топади. Фақат сиз савдолашиб ўтирманг. Улар нархини олдиндан бичиб қўйишган. Ҳар килограмм олма — 10 тийин. Бу ўзгармайдиган харид нархи.

Турсунмуҳаммад Чуст, Бахмал, Бағдод, Киров районларида боғма-боғ юриб, К. Абдуллаевдан 4380 килограмм олма олиб, унга 438 сўм тўлаган. Х. Султоновдан 1040 сўмга 10400 килограмм олма харид этган. К. Йўлдошевга 6870 килограмм олма учун 687 сўм тўлаган. Бу рўйхатни узундан-узун давом эттириш мумкин. Барибир бир килограмм олманинг нархи 10 тийиндан ошмайди.

Шунча олмани улар нима қилишади? Бошқа шаҳарларга олиб бориб сотишадими? Йўқ, улар консерва заводига тоширишади. Ҳамма гап кооп торг идорасида бу олди-сотдиларнинг қандай расмийлаштирилишида. Бу ерда 1978 йилдан 1980 йилгача бўлган ҳамма молия ҳужжатларини алгов-далгов қилиб чиққан ревизорлар «Ҳар килограмми 10 тийиндан олма сотиб олинди» деган битта ҳам ҳужжат, битта ҳам ведомость топа олишмади. Чунки, харид қилинган олмалар нархи бу ерда камида ўн беш тийинга чиқар, кўпроқ 30—35 тийиндан расмийлаштириларди.

Мана, бир мисол. Турсунмуҳаммад 1979 йил сентябрида Киров районидаги «Бешариқ» ва «Октябрь 40 йиллиги» совхозларидан 89282 килограмм олма харид қилиб, консерва заводига олиб боргунча баҳоси 15 тийиндан 30 тийингача кўтарилиб кетди. Шу савдонинг ўзи 16653 сўм соф фойда келтирди. Турсунмуҳаммад бу фойданинг тенг ярмини ялтироқ қоғозга ўраб, директорнинг чўнтагига солиб қўйди.

Холомон қўйиб бермаса, Турсунмуҳаммаднинг қўлидан нима келарди? Директор рухсат бермаса, мингминглаб нақд пулни кассадан олиб бўлмайди. Файзиевнинг хотамтойлиги туфайли тайёрловчиларга бир йўла бир неча касса ордери орқали пул бериляпти. Бунинг устига ҳисоботни вақтида талаб қилмайди, хоҳлаган вақтингда келтириб бераверасан — бу бир. Иккинчидан, сотиб олинган олмаларнинг баҳосини ошириб консерва заводига топшириш учун қалбакилаштирилган ҳужжатлар фош бўлиб қолиши мумкин. Учинчидан, хўжаликлардан арзон-гаровга сотиб олинган мевалар колхозчилардан сотиб олинди, деб пул тўлаш ведомостларини бирортаси текшириб қолса-чи, директор жонига аро киради. Шундай экан, фойдани арра қилмай иложи йўқ.

Шундай қилиб, тайёрловчилар «Яшасин тар мева» деб районма-район, областма-область юришганида Файзиев яна бир ҳийла ишлатди. Бу ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ кўчди. Матлубот союзи мева тайёрловчилар мусобақаси ғолибини мукофотлаш учун «Жигули» енгил автомашинаси ажратди. Тар мевадан фойда чиқарган директор бу мукофотдан фойда чиқаролмаса, ким деган одам бўлади! Машинани бор-йўғи 21 тонна мева тайёрлаган А. Қобилов номига расмийлаштириб, пулини ўзи тўлади. Орадан кўп вақт ўтмай автомашина Суюнов деган кишига 13 минг сўмга сотилди. А. Қобилов машина олиб сотган бўлди-ю 4500 сўм нақд фойда директорнинг чўнтагига тушди.

Холомон Файзиевнинг «ташкилотчилиги» туфайли қисқа вақт ичида давлатнинг 24383 сўм маблағи юлғичлар томонидан ўзлаштирилди. Директорнинг шахсан ўзи ўн тўрт минг сўмдан кўпроқ давлат пулини ҳазм қилиб юборди.

Соҳибкор-боғбонларга «Узоғингизни яқин, оғирингизни енгил қиламиз»! деб ҳам уларни, ҳам давлатни алдаб келган қаллобларнинг иши судга тушгунга қадар тергов органлари қалбаки ведомостларни бирма-бир текширишди, имзолар қалбаки эканлигини аниқлашди, ревизия актларини, касса кирим ордерларини, олма ташиган автомашиналар путёвкаларини синчиклаб ўрганишди, юзлаб гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, график экспертиза хулосалари ҳисобга олинди.

Товламачилар устидан суд бошланганда уларнинг ўртасидаги аҳилликдан асар ҳам қолмади. Энди улар бир-бирларининг бошидан ювинди қуйишга уринишарди.

— Қодиров менга туҳмат қиляпти, Қобилов ҳам туҳмат-чи, машинани ўзи сотган, — дейди Файзиев.

— Ташкилотчи, туҳматчи ҳам шу одамнинг ўзи, — дейди Турсунмуҳаммад қўлини бигиз қилиб директорни кўрсатаркан. — Олманинг ҳар килограммини 10 тийиндан олиб, 24, 30 тийиндан расмийлаштиришни айтяпсиз-ку, директорнинг кўрсатмаси билан ундан каттароғини ҳам қилганмиз, Файзиев Қодиров билан биргаликда Бахмал районидаги «Сангзор» совхозидан 10 тоннадан ортиқ олмани ҳар килограммини 35 тийиндан сотиб олиб, уни аҳолидан килограмми 1 сўм ва 1 сўм 05 тийиндан сотиб олинди, деб расмийлаштириб, 6700 сўмдан ортиқ «фойда» қилганлигини тан олгиси келмасди.

Ўзаро тил бириктириб, қаллоблик йўли билан давлатнинг кўп миқдордаги маблағини ўзлаштирган Холомон Файзиев билан Турсунмуҳаммад Қодиров суд ҳукмини эшитгандан сўнгтина ўз қилмишлари қандай оқибатга олиб келганини аниқ тасаввур қилишди. Биринчиси 13 йил, иккинчиси 11 йил озодликдан маҳрум бўлди, давлатга етказилган зарар улардан ундириб олинади, мол-мулклари эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Ўлкамизда ёз бошланди, пишиқчилик бошланди. Ёз ноз-неъматлари консерва заводларига, қардош республикалар саноат марказларига юборила бошланади. Республика матлубот союзларига қарашли ташкилотларнинг маҳсулот тайёрловчилари аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, томорқа боғларида етиштирган ноз-неъматларини шу жойнинг ўзида сотиб оладилар. Уларнинг орасида Файзиев ва Қодиров каби мўмай фойдани кўзловчилар бўлмаслиги учун биз бу ҳақда батафсилроқ ёзишни лозим топдик.

И. МАМАДАЛИЕВ,
Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Тошкент территориал қурилиш экономикаси, бошқариш ва ташкил этиш илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича қурилишда бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси бўлими мудири (фан кандидати) вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, 700013, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

«ГИДРОНИИПОЛИГРАФ»нинг ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг технологик жараёнларини лойиҳалаштириш проблемаси лабораторияси бўйича — катта илмий ходимлар (3 ўрин — фан кандидатлари, ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган инженерлар), кичик илмий ходим.

Конкурс муддати — 28 июнгача.

Адрес: 700011, Тошкент шаҳри, Марказ-14, 33-уй.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг

К. Д. УШИНСКИЙ НОМЛИ МАРКАЗИЙ ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

педагогика (педагогика фанлари доктори), ижтимоий фанлар (фалсафа фанлари доктори) кафедраларининг МУДИРЛАРИ.

Конкурс муддати — 2 июлгача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Саидов кўчаси, 6-уй, Студентлар шаҳарчаси.

Урта Осиё темир йўлининг ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ тепловоз машинистларининг ёрдамчиларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.

Елгиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 13/22-уй, кадрлар бўлими.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

8 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НЕФТЧИ» (Боку) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ректорати, партия ва касаба союз комитетлари КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор А. Р. Раззоқовга опаси

Муборак РАЗЗОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент халқ хўжалик институти ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва иқтисодий кибернетика кафедраси коллективи шу кафедра мудири, доцент Т. Ш. Шодиевга акаси

Иброҳим ШОДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

▲ РИГА. Халқаро мусобақада иштирок этган чирчиқлик Г. Белков баландга сакрашда 228 сантиметрли маррани эгаллаб, муваффақият қозонди.

▲ БИРМИНГЕМ. СССР — Буюк Британия командалари учрашувида баҳслашган андижонлик жаҳон рекордчиси С. Ўлмасова 3 километрга 8 минут 48,40 секундда югуриб, маррада биринчи бўлди.

ФУТБОЛ:

▲ МЕКСИКА. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бошланди. 4-группада СССР — Нигерия (0:1), Голландия — Бразилия (1:1) командалари ўзаро учрашдилар.

▲ МОСКВА. Биринчи лигаларнинг «Локомотив» — «Шинник» коллективлари учрашуви 5:0 ҳисобида тугади.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА:

▲ ТОШКЕНТ. Ўзбекистон шахсий-команда чемпионатида «Ёш қуч», «Буревестник», «Меҳнат» коллективлари фахрли ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Венера Зарипова биринчи ўринни олди. В. Шаталина, С. Рожкова ва И. Дёминалар 2—4 ўринларни эгаллашди.

Телевидение

8 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Саёҳатчилар клуби. 10.40 — Ўсмирлар ижоди. 11.15 — Сенинг фарзандинг, ер. Бадиий фильм. 1-серия. 12.20 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Ҳунар техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 16.35 — Стадион ҳамма учун. 17.05 — Унвони — тегирмончи. 17.20 — Горнчилар, қаердасиз! 18.05 — Концерт. 18.30 — Партия ҳақида ҳикоялар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — В. Маяковский. Ҳайқириқ. РСФСР халқ артисти А. Лазерев ўқийди. 20.20 — Сенинг фарзандинг, ер. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Брайон о Хара иши. Бадиий фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Москва бўйлаб саёҳат.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.45 — Пиковая дама. Бадиий фильм. 11.15 — Буратино кўргазмаси. 11.45 — Ўқувчига музика сабоги. 12.45 — Немис тили. 13.15 — Филька ва Макензен. Бадиий фильм. 3-серия. 14.25 — Ота-оналар, Сизлар учун. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — Мультфильмлар. 16.00 — Биз қонунот ҳақида нималарни биламиз? 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — СССР халқ артисти Л. Чкония куйлайди. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Сиз яратган боғ. 21.15 — Халқ куйлари. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Черноморец» — «Динамо» (Киев).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 12.00 — Телефильмлар. 13.00 — Узундан узоқ иш. Бадиий фильм. 18.00 — Юлдузча. 18.30 — Эргаш Жуманбулбул туғилган куннинг 115 йиллигига. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Боку). Танаффус пайтида Ахборот. 21.15 — Катталар учун мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — Муҳаббат ва нафрат. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

9 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.25 — Концерт. 11.20 — Сенинг фарзандинг, ер. Бадиий фильм. 2-серия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 17.30 — Ёшлар адреслари. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Бир занжир халқалари. 20.00 — В. Кикта. Рус миниатюралари. 20.20 — Сенинг фарзандинг, ер. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида РСФСР халқ артисти В. Лановой билан учрашув. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.40 — Брайон о Хара иши. Бадиий фильм. 10.40 — Горнчилар, қаердасиз! 11.25 — Концерт. 12.05 — Сиз яратган боғ. 12.35 — Испан тили. 13.05 — Филька ва Макензен. Бадиий фильм. 4-серия. 13.55 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 14.55 — Олтин Будда сири. Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги учун мусобақалар. 19.20 — Концерт. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — Дудариклар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 12.10 — Новгород. Телефильм. 12.40 — Жиловсиз от. Телеспектакль. 17.50 — Болалар учун фильм. 19.00 — План ишлаб чиқариш қонуни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Манзарали фильм. 19.55 — Ўзбекистонда Македония Социалистик Республикаси маданияти кунлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.20 — Ёшлик. 23.30 — Футбол чорраҳаларида. 24.00 — Янгиликлар.

Радио

8 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 — Эстрада концерти. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Енгил куйлар. 20.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. Пахтакор — Нефтчи (Боку) 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.15 — Сайқал радиопрограммаси.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 01991. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 130. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15